

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ҚАРШИ МУХАНДИСЛИК - ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
ИҚТИСОДИЁТ ФАКУЛЬТЕТИ
«ИҚТИСОДИЁТ» КАФЕДРАСИ

«ХИМОЯГА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ»

«Иқтисодиёт» кафедраси мудир

_____ доц. А.И.Рахматуллаев

«__» _____ 2016 йил

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

«Иқтисодиёт» факультети декани

_____ и.ф.д., проф. А.Ф.Хуррамов

«__» _____ 2016 йил

**“Ишлаб чиқаришни диверсификациялаш шароитида ҳудудда озиқ-
овқат маҳсулотлари етиштиришнингўзига хос хусусиятлари (Ўзор
тумани “Шердор AS” фермер хўжалиги мисолида)”**
мавзусидаги

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ
ИШИ

БАЖАРДИ: «Иқтисодиёт» (қишлоқ
хўжалиги) таълим йўналиши IV-курс
И-461 гуруҳ талабаси _____ А.Қ.Ахмедов

ИЛМИЙ РАҲБАР:
«Иқтисодиёт» кафедраси доценти
и.ф.н. _____ З.С.Шохўжаева

Битирув малакавий иши кафедрада дастлабки ҳимоядан ўтди

_____ сонли баённома «__» _____ 2016 й.

ҚАРШИ – 2016 йил

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
II Боб. Қишлоқ хўжалиги самарадорлигини оширишда диверсификациялашнинг ўрни ва аҳамияти.....	6
1.1. Қишлоқ хўжалиги тармоқлари ишлаб чиқаришини диверсификациялашнинг иқтисодий аҳамияти.....	6
1.2. Фермер ва деҳқон хўжаликларининг ҳудуд озиқ-овқат дастурини ҳал этишдаги ўрни.....	9
II Боб. Тумандаги фермер хўжаликларида озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришнинг ҳозирги ҳолати ва хусусиятлари.....	14
2.1. Шердор “AS” фермер хўжалигининг тавсифи ва озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришнинг ўзига хос хусусиятларининг ҳолати таҳлили.....	14
2.2. Аграр соҳани ислоҳ қилиш ва ҳудудда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришнинг ҳозирги ҳолати таҳлили.....	19
2.3. Ҳудудда озиқ-овқат бозори ривожланишининг асосий омиллари.....	22
III Боб. Истикболда ишлаб чиқаришни диверсификациялаш шароитида озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришнинг иқтисодий самарадорлиги.....	27
3.1. Фермер хўжаликлари фаолиятини диверсификация қилиш орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўналишлари.....	27
3.2. Ҳудудда озиқ-овқат етиштиришда эришилган натижалар ва истикболдаги йўналишлар.....	30
Хулоса ва таклифлар.....	35
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	38

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, қишлоқ хўжалигида хом ашё ва озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш билан узвий боғлиқдир.

Қишлоқ хўжалигида ислохотларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш озиқ-овқат бозорининг турли даражада шаклланишига олиб келмоқда. Мамлакатимизда амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида озиқ-овқат хавфсизлигига, жумладан, дон мустақиллигига эришилди. Яқин келажақда озиқ-овқат бозорини барқарор ривожлантиришга кўп жиҳатдан ҳудудларнинг мавжуд имконият ва омилларидан, ўзига хос хусусиятларидан самарали фойдаланиш ҳисобига эришиш мумкин. Бунинг учун «...қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш, соҳа инфратузилмасини ривожлантириш, қишлоқда аҳоли турмуш даражаси ва маданиятини юксалтириш учун ҳали жуда кўп ишлар қилиш керак».

Ҳукуматимизнинг озиқ-овқат сиёсатини амалиётга татбиқ қилиш бевосита ҳудудларда озиқ-овқат бозорини шакллантириш билан белгиланади. Бу борада мамлакат ҳудудларида ички имкониятлардан етарли даражада фойдаланилмаяпти, аҳолининг озиқ-овқат товарларига бўлган талаб ва эҳтиёжлари тўла қондирилмаяпти, аграр соҳани ислох қилишда номутаносибликлар ва муаммолар мавжуд. Ҳудуд миқёсида аниқ мақсадни кўзлаб озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ижтимоий барқарорликка эришишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ва 2016-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида қишлоқ хўжалигида етиштирилган озиқ-овқат маҳсулотларининг миқдори йилдан-йилга ошиб бораётганлигини қуйидаги маълумотлар орқали изоҳлайди: “Мамлакатимизда буғдойдан гектаридан ўртача 55 центнер ҳосил олингани, айрим туманларда бу кўрсаткич 60-77 центнерни ташкил этгани, ҳеч шубҳасиз, фермерларимизнинг улкан ютуғидир.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигининг мева-сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик ва чорвачилик каби тармоқлари ҳам жадал суръатларда ривожланди. Ўтган йили 12 миллион 592 минг тонна сабзавот ва картошка, 1 миллион 850 минг тонна полиз маҳсулотлари, 1 миллион 556 минг тонна узум, 2 миллион 731 минг тонна мева етиштирилди”¹.

Бугунги кунда фермер хўжаликлари олдида турган асосий вазифалардан бири бу жамиятни демократлаштиришни чуқурлаштириш, иқтисодиётни янада ислох қилиш ва либераллаштириш, мамлакат аграр секторини барқарор ва самарали ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини ошириш орқали фермерлик ҳаракатини такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Биобарин, Қашқадарё вилоятининг Ғузор тумани аҳолисининг тез ўсиши ва жуда зич жойлашганлиги, ер ва сув ресурсларининг чекланганлиги, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг юқорилиги билан ажралиб туради. Туманда аграр соҳани ислох қилиш ва озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришнинг илмий-услубий асосларини ишлаб чиқиш ва амалий таклифлар тайёрлаш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Минтақавий ва ҳудудий бозорлар тизимини

¹Каримов И.А. Бош мақсадимиз-мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб борилаётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир.// Халқ сўзи, 17.01.2016 й

шакллантириш ва ривожлантириш масалалари мамлакатимиз ва хориждаги кўплаб иқтисодчи олимларининг илмий тадқиқотларида ўрганилиб келинмоқда.

Бозор назарияси ва муомала соҳасининг асослари иқтисодиёт фанининг классиклари А.Смит, Д.Рикардо, К.Маркс, А.Маршалл, Ж.М.Кейнс ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган. Минтакавий бозорлар назарияси ва услубиётлари хорижлик олимлар А.Бандман, А.Гранберг, А.Новоселов, Р.И.Шнипер, Р.Хеппнер, У.Берголт, Ж.Будвил, А.Вебер, У.Изард, Ф.Перру ва бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

Ўзбекистонда минтакавий иқтисодиёт ва бозорлар тизими Қ.Н.Абирқулов, О.Абдуллаев, М.А.Абдусаломов, З.М.Акрамов, Т.М.Аҳмедов, Р.Х.Хусанов, А.Қодиров, Ш.Б.Имомов, Э.А.Аҳмедов, С.Зиёдуллаев, К.Бедринцев, А.А.Қаюмов, С.Э.Вохидова, А.С.Солиев, Ф.Т.Эгамбердиев, О.Рўзиев ва бошқа олимларнинг илмий ишларида таҳлил қилинган.

Ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш шароитидареспублика ва вилоятимизда истеъмол бозори, озиқ-овқат хавфсизлиги, молия бозори ва бошқа бозор муносабатларининг шаклланишига бағишланган илмий ишлар кўпайиб бормоқда. Бироқ, ҳудуд миқёсида бозор тизимларининг, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда озиқ-овқат бозорининг шаклланиш муаммоларига бағишланган битирув малакавий ишлар деярли амалга оширилмаган. Бу эса, ушбу БМИ мавзусининг танланишига сабаб бўлди.

Bitiruv malakaviy ishining maqsad va vazifalari. Қашқадарё вилояти Ғузор туманида ишлаб чиқаришни диверсификация қилишда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни ўзига хос хусусиятлари ва уларни кўпайтириш бўйича илмий ва амалий тавсиялар тизимини ишлаб чиқишдан иборат.

Битирув малакавий ишида қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилган:

- қишлоқ хўжалиги тармоқлари ишлаб чиқаришни диверсификациялашнинг иқтисодий аҳамиятини аниқлаш;
- фермер ва деҳқон хўжаликларининг ҳудуд озиқ-овқат программасини ҳал этишдаги ўрнини илмий асослаш;
- Шердор “AS” фермер хўжалигининг озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш;
- аграр соҳани ислоҳ қилиш ва туманда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш;
- ҳудудда озиқ-овқат бозорини ривожлантиришнинг асосий омилларини аниқлаш;
- fermer xo‘jaliklari faoliyatini diversifikatsiya qilish orqali ishlab chiqarish samaradorligini oshirish yo‘nalishlarini belgilash;
- Hududda oziq-ovqat yetishtirishda erishilgan natijalar va istiqboldagi yo‘nalishlarini ishlab chiqish.

БМИнинг предмети ишлаб чиқаришни диверсификациялаш шароитида ҳудудда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

БМИнинг obyekti. БМИнинг объекти сифатида Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманидаги Шердор AS фермер хўжалиги танлаб олинган.

БМИнинг назарий-услубий асослари бўлиб, иқтисодиёт йўналиши бўйича етакчи хорижий ва мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг илмий ишлари, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов асарлари ва фармонлари, ҳукуматимиз қарорлари хизмат қилди. Битирув малакавий ишида вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ва Ғузор туманидаги бўлими, вилоят статистика бошқармаси ва фермер хўжалиги маълумотларидан кенг фойдаланилди.

БМИнинг илмий янгиликлари қуйидагиларда ўз аксини топган:

- ҳудуд озиқ-овқат бозорининг моҳияти, ўрни, шакллари ва ўзига хос хусусиятлари комплекс таҳлил қилинган ва очиқ берилган;

- Ғузор туманида фермер хўжалигининг ривожланишини таҳлил қилиш асосида озиқ-овқат бозоридаги талаб ва таклифнинг барқарорлиги, мавжуд номутаносибликлар ва муаммолар илмий жиҳатдан очиб берилган;

- ҳудудда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришнингўзига хос хусусиятлари очиб берилган ва уни кўпайтириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилган;

- ҳудуд озиқ-овқат бозори ривожланишининг келажакдаги истиқболлари асосий товар гуруҳларидан гўшт, сут, мева, сабзавотлар бўйича баланс ҳисоб-китоблари амалга оширилган;

- туманда озиқ-овқат бозорини ривожлантиришнинг ташкилий ва иқтисодий механизмлари ишлаб чиқилган.

БМИнинг амалий аҳамияти.Битирув малакавий ишининг таҳлилий хулосалари ва амалий тавсияларидан вилоятимизҳудудлари, хусусан, Ғузор туманида озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришникўпайтиришнинг стратегик йўлини ишлаб чиқишда, Иқтисодиёт, Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаларида ҳудудлар ва тармоқларни бошқариш ҳамда истиқбол кўрсаткичларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

БМИнинг ҳажми ва таркибий тузилиши. БМИ кириш, 3 та боб, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборатдир.

I- Боб. Қишлоқ хўжалиги самарадорлигини оширишда диверсификациялашнинг ўрни ва аҳамияти

1.1. Қишлоқ хўжалиги тармоқлари ишлаб чиқаришини диверсификациялашнинг аҳамияти

Диверсификация латинча “diversification” сўздан олинган бўлиб “ўзгариш, хилма-хиллик” маъносини билдиради. Иқтисодий, шу жумладан саноат ишлаб чиқаришини диверсификация қилиш туфайли тармоқлар ва корхоналарнинг фаолият соҳалари ўзгаради ва тайёрланадиган маҳсулотлар тури кўпайиб боради.

Илгари тўла ихтисослашган корхоналарнинг бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари, хизмат кўрсатиш соҳаларига кириб бориши, уларнинг фаолият соҳаларининг кенгайишини билдирарди. Диверсификация натижасида эсатурли-туман товарлар ишлаб чиқарадиган, хизмат кўрсатиш ҳамда илмий тадқиқот ва ишланмалар билан банд бўлган компаниялар, бирлашма ва жамоиятлар, аммо ҳамиша ҳам технологик жиҳатдан боғланмаган кенг тармоқли комплекслар вужудга келади.

Мустақилликнинг илк давридан бошлаб аста-секин товар ишлаб чиқаришда тор ихтисосликдан воз кечиш, корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турини (номенклатура ва ассортиментини) кўпайтириш, кўринишини ўзгартириш, янгидан янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш яъни ишлаб чиқаришни босқичма-босқич диверсификация қилиш жараёнларини амалга ошириш йўлга қўйилди.

Кейинги йилларда эса паст рентабелли ва зарар кўриб ишлайдиган корхоналарни диверсификация қилишга катта эътибор берилмоқда. Натижада улар оёққа туриб маҳаллий хом ашёдан янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқармоқдалар ва ҳозирги пайтда нафақат ички бозорда, балки ташқи бозорда ҳам етакчи ўринларни эгалламоқдалар. Масалан, Қашқадарё вилоятида 77та корхона ва объектлар инвесторларга топширилиб уларни диверсификациялаш ишлари бошлаб юборилган. Улардан бир қанчалари 2009 йил давомида катта даромад келтира бошладилар. Диверсификациялашнинг энг юқори даражаси Навоий вилоятига хосдир. Бухудуд нафақат олтин, кумуш, мармар, фосфорит, кварц, феруза ва оҳактош каби маҳсулотлари, балки яссигулли, қаламгулли, қовурға гулли кумуш суртериси каби қорақўл терилари билан ҳам маълум ва машҳурдир. Улардан тикилган аёллар ва эркаклар либослари, турли дизайндаги тўн, нимча ва бошқийимлари ички бозорда ҳам, ташқи бозорда ҳам рақобатдош ва бозоричакқон товарлар ҳисобланади.

Иқтисодийнинг “...таркибий тузилишини диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган, ҳар томонлама асосли ва чуқур ўйланган сиёсат бизни инқирозлар ва бошқа таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қиладиган кучли тўсиқ, айтиш мумкинки, мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситасини яратди”².

Диверсификацияни амалга оширишнинг шакллари, ҳажми ва усуллари айниқса 2005-2009 йилларда кенг авж олди ва ривожланишнинг умумий, инвестицион концепциясига айланди. Шу сабабли мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов ишлаб чиқаришни диверсификациялашни давом эттириш ва уни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш билан бирга уйғунлаштириб олиб боришни давом эттиришни Ўзбекистон шароитида жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози оқибатларини бартараф этишнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири эканлигини қайта-қайтатаяъкидламоқдалар.

“Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарда “2009 йилги иқтисодий дастуримизнинг иккинчи энг муҳим устувор йўналиши - бошланган таркибий ўзгаришларни ва иқтисодий

²Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009 йил, 31 - бет.

диверсификация қилишжараёнларини давом эттиришдир”³, деб бу масалага алоҳида урғу берилди. Яқин ва узоқ келажакда ҳам ишлаб чиқаришни диверсификация қилишнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- корхона ва тармоқларнинг фаолият соҳаларини кенгайтириш;
- маҳсулот ва хизматлар турларини кўпайтириш;
- маҳсулот ва хизматлар сифатини такомиллаштириш;
- маҳсулот ва хизматлар бозорини кенгайтириш.

Иқтисодиётнинг реал секторида фаолият юритаётган корхоналарни диверсификациялаш уларнинг нафақат фойда (даромад) олишимкониятларини мустаҳкамлайди, балки Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаянгида янги марраларга эришишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Қишлоқ хўжалигида ривожланиш омиллари ҳисобланган-агротехнологик, ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий омиллардан самарали фойдаланишнинг ижобий натижаси – тармоқни барқарор ўсиш суръатларига эришиши ҳисобланади. Хусусан, ушбу йўналишда тармоқда қиймат жиҳатдан шаклланган ўзгаришлар таркибий ўзгаришларнинг ижобий ёки салбий тенденциясидан далолат беради. Таҳлил этилаётган даврда деҳқончилик ва чорвачиликдаги нисбатларнинг ўсимлик парваришлаш фойдасига содир бўлаётган ўзгаришлар, асосан, давлат буюртмасидаги пахта хомашёси ва ғалладан ташқари, озиқ-овқат маҳсулотлари улушини кескин ўсаяётганлиги ҳисобидандир. Жумладан, сабзавот (2005 йилда 7,4% дан 2013 йилда 14,6%га), картошка (3,8% дан 10,8%га), полиз экинлари (1,1 %дан 2,7%га), мевалар (4,2%дан 6,4%га) ва узум етиштириш (2,6%дан 6,2%га) жами 19,1дан 40,7 %га ошганлиги озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган тадбирларнинг амалий натижасидир. Чорвачилик улушининг пасайиши эса, мос равишда бевосита асосий маҳсулотлар ҳисобланган гўштнинг (24,7 дан 24,6 %га), сут (13,2%дан 12,0%га) ва тухумнинг (3,0%дан 2,4 %га) улуши қисқариши ҳисобига содир бўлганлигини таъкидлаш жоиз.

МДХ мамлакатлари ўртасида республикамиз қишлоқ хўжалиги ўзининг барқарор юқори суръатларда ривожланаётганлиги билан ажралиб туради. 2005-2013 йилларда қишлоқ хўжалигини ривожланиш суръатлари даражасига кўра – паст, ўрта ва юқори даражадаги ривожланишда Россия (3,8%), Қозоғистон (4,2%), Украина (4,7%) кўрсаткичлар билан ўртача ўсиш суръатларига эга бўлган бўлса, Ўзбекистон 6,2 фоиз ўртача ўсиш кўрсаткичлари билан юқори суръатларда ривожланаётган мамлакатлар рўйхатида мустаҳкам ўринни эгаллаб келаяётганлиги ҳам амалга оширилаяётган кенг қамровли ислохотларнинг муҳим ижобий натижаларидандир.

Бугунги кунда тадбиркор ва хусусий бизнес эгаларининг қарийб ярми ривожланишнинг янги чўққилари – айланма воситаларнинг ўсишига ҳаракат қилади. Бунинг учун бизнесда бир неча йўналишга эга бўлиш керак, бошқача айтганда, фаол диверсификация жараёнини самарали амалга ошириш керак.

Бошқа томондан эса, диверсификация қилишда бу жараён стратегиясини аниқ белгилаб олиш лозим. Бундан мақсад, жалб этиладиган ресурслар ва рискларни ҳисобга олиш керак. Диверсификация жараёнини амалга оширишнинг салбий ва ижобий томонлари мавжуд.

Диверсификация иккита йўналишда бўлиши мумкин. Биринчиси – ассортиментни янгилаш, янги маҳсулот тури ва ишлаб чиқаришни эгаллаш, даромадни кўпайтириш каби жиҳатларни ўз ичига олувчи ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш. Иккинчиси – пул маблағларини инвестиция қилиш (қимматли қоғозлар ва материал активларга).

³Каримов И.А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. - Т.: Ўзбекистон, 2009 йил, 39 - бет.

Диверсификациянинг асосий афзалликлари, биринчидан корхонанинг узоқ муддат фаолият юритишига ёрдам беради. Иккинчидан, корхонанинг ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (иш, хизмат) ассортиментини ошириш имконини беради. Лекин, диверсификацияда салбий томонларнинг ҳам мавжудлигини унутмаслик лозим. Ижобий натижаларга эришиш учун катта ҳажмдаги диверсификацияни амалга ошириш зарур; янги маҳсулот ишлаб чиқаришни бошқариш учун ишчи-ҳодимлар тажрибаси ва малакаси етарли бўлмаслиги мумкин; янги технологияларга катта ҳажмдаги инвестиция керак бўлиши мумкин; ва ниҳоят, диверсификация – бу ўсиш стратегияси бўлиб, даромад олиш учун маълум вақт керак бўлади. Шунинг учун компаниянинг имкониятини ва рискни баҳолаш учун, компаниянинг диверсификацияга тайёрлигига ҳолисона баҳо берадиган аудитор ёки мутахассисни таклиф этиш керак.

Диверсификация учун ресурслар танлашда, бошланғич вақтда мулк эгаси ўз имкониятларини тўғри баҳолаши лозим. Кўп ҳолатларда ўз имкониятини ортиқча баҳолаб, барчасини ўз кучи билан амалга ошириш, ҳамма лойиҳаларда қатнашишга қарор қилади. Буни амалга ошириш жуда мураккабдир. Шунинг учун, биринчи навбатда, ўз асосий мақсадларини диверсификация қилиш керак. Авваламбор, ўз ваколатлари ва натижани назорат қилишни жараён иштирокчиларига адекват равишда тақсимлаш ва шу асосда ижрочиларни танлаш лозим. Шунинг англаш керакки, диверсификация бу ғояда мужассамлашган бўлмоғи лозим. Ғоя ҳар хил бўлиши мумкин, фақат бир маҳсулотни иккинчисига алмаштириш эмас, балки ишлаб чиқариш (иш, хизмат) турини ўзгартириш: масалан, бугун гўшт маҳсулотлари, эртага хизмат кўрсатиш ресторани ва ҳ.к. Агар, масалан, турли ресторанлар (итальянча, миллий, японча ва ҳ.к.) – бу иқтисодий диверсификация.

Ҳозирги пайтда фермер хўжаликларида кўп тармоқли ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Буни ривожлантириш зарур, яъни диверсификация стратегиясини қўллаш ва амалга ошириш лозим. Ушбу жараёнга кириш учун, яъни диверсификация жараёнини бошлашдан олдин аниқ мақсадни белгилаб олиш зарур. Ушбу ривожланиш вектори компания (корхона) га нима беради, мақсадга эришиш учун қандай ресурслар, қанча ресурс ва вақт керак бўлади. Бу йўналишда Франция олимларининг тадқиқотчилари мавжуд. Унга кўра диверсификация мантиғини аниқлашда икки хил ўлчов мавжуд бўлиб, биринчиси стратегик мақсад характери билан боғлиқ: диверсификация ҳимоя воситаси сифатида бўлиши (кучсиз йўналишни амалга ошириш ёки чора кўриш) ва янги позицияларни эгаллаш учун бўлиши мумкин. Иккинчи ўлчов қўйилаётган натижалар билан боғлиқ: менежерлар иқтисодий ўсиш (рентабелликни ошириш)ни ёки катта стратегик келишувлар ёки жорий фаолиятга қўшимчалар (масалан, ноу-хоу ни киритиш)ни кўзлаш мумкин. Диверсификация ўсиш учунми ёки натижа учун каби масалани ҳал этиб олиш керак. Масалан, босмаҳона бизнеси мисолида диверсификацияни кўришимиз мумкин. Ушбу соҳада бизнес муаммоси – бу унинг сезонлиги. Сезонлик ҳафта ёки ой эмас, балки йилдир. Шунинг учун асосий жараённи йил бўйи ушлаб туриш муаммоси бўлади. Шунинг учун қўшимча даромад манбаи ҳақида ўйлашга тўғри келади. Компания ҳажми катталашиб боради ва харажат ҳам ортиб боради. Агар корхона кичик бўлса, молиявий ўзгаришлар натижалари ва диверсификациялаш зарурийлигини тезроқ ва оддийроқ бошқариш мумкин. Бунда икки хил омилни ажратиш мумкин. Биринчиси - молиявий омил, ёки кўпроқ даромад олиш ёки бир текис даромадни олиш истаги диверсификация ҳақида ўйлашга мажбур қилади. Иккинчи омил – бу бизнеснинг хавфсизлиги. Бир хил фаолиятни амалга оширганда ҳар доим бозорга керак бўлмай қолиш хавфи мавжуд ва бошқа даромад манбаи излашга тўғри келади. Шунинг учун кўпчилик тадбиркорлар янги ривожланиш йўналишларини излашади.

Бугунги кунда замонавий фермер хўжалиги фаолияти қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш, тижорат ва маркетинг фаолиятини юритиш, пуллик хизматлар кўрсатиш, ҳар хил кўринишдаги тадбиркорлик ҳамда бошқа соҳаларни ўз ичига олиши керак. Бунинг учун эса, қишлоқ хўжалигидаги

ислохотларни янада чуқурлаштириш, соҳанинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, энг муҳими, қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини юксалтириш, юртимизни обод этиш йўлида тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган фермерлик ҳаракатининг самарадорлигини янада ошириш, энг муҳими, уларнинг барқарор ривожланишини таъминлаш учун кенг қамровли чора-тадбирлар тизими янада такомиллаштирилмоғи лозим.

Фермерликни ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлашда, соҳанинг иқтисодий мустақиллиги ва молиявий барқарорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш бир томондан фермер хўжаликларининг ўзини-ўзи бошқариш бўйича таъсирчан механизмларини яратиш, уларнинг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан ўзаро муносабатларини янада яхшилаш имконини берса, иккинчи томондан фермерларнинг олган мажбуриятларини ўз вақтида ва сифатли бажариш борасидаги масъулиятини оширади.

1.2. Фермер ва деҳқон хўжаликларининг ҳудуд озик-овқат программасини ҳал этишдаги ўрни

Қишлоқ хўжалиги – мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Бу тармоқ юртимиз аҳолисининг озик-овқат маҳсулотларига, қайта ишлаш саноати тармоқларини эса хомашёга бўлган талабини қондиради. Озик-овқат маҳсулотларининг 90 фоизга яқини аграр тармоқда тайёрланади. Қишлоқ хўжалиги мамлакатимизнинг истеъмол бозорига озик-овқат маҳсулотлари ва қайта ишлаш саноатига хомашё етказиб бериш билан бирга, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, кимё саноати каби бир қатор тармоқлар маҳсулотлари учун кафолатли бозор бўлиб ҳам ҳисобланади.

2014 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 15,7 фоизи қишлоқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келди. Аграр тармоқ юртимиз аҳолисининг салмоқли қисмини иш ўринлари билан таъминлаб келмоқда. Шу жиҳатдан қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масаласи иқтисодиётимизни ривожлантиришнинг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Маълумки, озик-овқат маҳсулотлари етиштиришнинг асосий қисми деҳқон ва фермер хўжаликлари зиммасига тўғри келмоқда. Булар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўйича иш юритадилар ва етиштирилаётган маҳсулотлар кўлами катта ҳажмни ташкил этмайди. Шунинг учун ишлаб чиқариш воситаларининг барча турлари ўзида бўлиши шарт эмас, бундай бўлишига имконият ҳам, маблағи ҳам йетишмайди. Демак, бу соҳада ҳам сервис хизмати кўрсатиш корхоналарининг хизматидан фойдаланишга бўлган талаб ошиб боради. Сервис хизмати турларини кўпайтириш маҳсулот таннархининг арзон бўлишига имконият яратиш билан бир қаторда, қишлоқда янги иш жойларини ташкил қилиш имкониятини ҳам вужудга келтиради.

Қишлоқда бандлик масаласи қатор муаммоларни ўз ичига олади. Жумладан, ортиқча ишчи кучининг мавжудлиги қишлоқда бандликни меъёр асосида олиб боришга, шу асосда маҳсулот таннархининг пасайишига қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига илғор технологияларни жорий қилишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу билан бир қаторда қишлоқ хўжалигидаги ислохотларнинг муҳим вазифаси мамлакатимиз иқтисодиётида иш билан таъминланганлик таркибини ўзгартиришдан иборатдир.

Мамлакатимизда бошланган ислохотларнинг туб мақсади жамиятдаги иқтисодий муносабатларни эркинлаштирувчи иқтисодиётни, яъни бозор иқтисодиётини вужудга келтиришдан иборатдир. Бозор иқтисодиётининг ўзига хос талаблари бўлиши мулкнинг турли шакллари, эркин тадбиркорлик, рақобатнинг мавжудлиги ва бозор инфратузилмаси вужудга келиши лозим.

Ўзбекистан мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб ҳукуматимиз томонидан аҳолини мунтазам равишда озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни

ижтимоий сиёсатнинг устивор вазифаларидан бири қилиб белгилади. Ушбу сиёсат изчиллик билан амалга оширилиб ва такомиллаштирилиб борилмоқда. Жумладан, мустақилликнинг дастлабки йилларида аҳолини зарур 8 турдаги маҳсулотлар билан таъминлаш ва ушбу маҳсулотлар нархларини назорат қилиб турилганлигини мисол қилиб келтириш мумкин. Сўнгра аҳоли томорқа ерлари ҳажмининг кенгайтирилиши, чорвачилик комплексларини хусусийлаштириш, шахсий томорқа хўжаликларига ҳуқуқий мақом берилиши ва шу асосда ички ўзини-ўзи озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш сиёсатининг қўлланиши ҳам бу соҳада амалга оширилаётган тадбирларнинг нечоғлик тўғри эканлигидан далолат беради (1.2.1 – жадвал).

1.2.1 - жадвал

Ўзбекистонда аҳоли жон бошига асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан минимал таъминланганлик даражаси (тиббий меёр бўйича) (%да)

Маҳсулот турлари	2005й.	2010й.	2012 й.	2015й.	2005-2015 йилларда ўзгариши п.п
Бугдой	99,2	106,0	102,3	104,6	5,4
Картошка	64,7	109,0	126,6	136,3	71,6
Сабзавот	123,1	204,1	238,8	257,9	134,8
Мева	47,3	78,4	89,8	97,5	50,2
Узум	176,3	249,6	291,4	314,4	138,1
Полиз	119,9	211,7	242,9	262,8	142,9
Гўшт	52,5	66,8	73,1	76,9	24,4
Сут	105,9	131,8	149,3	158,6	52,7
Тухум	25,4	36,3	44,0	48,9	23,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва Макроиқтисодий тадқиқотлар институти маълумотлари асосида тузилган.

Қишлоқ хўжалигининг мамлакат озиқ-овқат хавсизлигини таъминлашда асосий тармоқлардан бири эканлигини инобатга оладиган бўлсак, ушбу йўналишда таҳлил этилаётган даврда эришилган ижобий натижаларни алоҳида таъкидлаш жоиз. Жумладан, барча асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари турлари бўйича аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш кўрсаткичлари миқдор жихатидан ўсган. Масалан, сабзавотлар 147,2 кгга, сут етиштириш 86,6 кгга ва тухум 69 донага кўпайган.

Шу билан бир қаторда миллий озиқ-овқат таъминотини таъминловчи комплекс чоралар ишлаб чиқиш республика озиқ-овқат маҳсулотлари таъминотидаги мураккаблик ва озиқ-овқат маҳсулотларининг хориждан харид қилишга боғлиқ билиб қолиш мумкинлиги каби муаммоларга йечимлар топиш бугунги кундаги долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Уларга эришиш учун муҳим йўналишлар қуйидагича ифодаланadi:

- мамлакат ва ҳудудий озиқ-овқат маҳсулотлари фондини озиқ-овқат маҳсулотлари ва хом ашёнинг асосий турлари билан тўлиқ ҳажмда шакллантириш ҳамда аграсаноат мажмуини экспортга йўналтириш учун ишлаб чиқаришни йетарли даражада барқарор ривожланишини рағбатлантириш;
- озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилиш қобилятини оила бюджетидан сарф қилинадиган харажатлар миқдорини 30-35 фоизгача қисқартирган ҳолда тиббий меёрлар бўйича (3500 ккл/кун) истеъмол қилиш даражасигача кўтариш;
- озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (пахта-тола) экспорти ҳисобига йетишмаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ва хом ашё импорти учун зарур валюта ресурслари захирасини яратиш ва унинг таркибларини такомиллаштириш;
- озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзини-ўзи таъминлаш даражасини барқарор ошириш, импорт ҳажмини қисқартириш ва импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни

ривожлантиришни таъминловчи ташкилий-иқтисодий чора-тадбирлар қабул қилиш.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг барқарорлиги ва келажагдаги ўсиши ички бозордаги озиқ-овқат маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалик хом ашёсига талаб ва таклифни барқарорлаштириш ҳамда жаҳон бозорида фаол фаолиятини амалга оширишга боғлиқ. Бунда Давлатнинг аграр сиёсати аграсаноат мажмуини жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари қуйи мажмуи тармоқларини ва маҳсулотларнинг аниқ турларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш иқтисодий қўллаб-қувватлашга қаратилган чоралар тизимини ишлаб чиқишга қаратилган бўлиши лозим.

Бу сиёсатнинг устивор вазифаси – мамлакатни ижтимоий ривожлантириш ва иқтисодий ўсиши ҳамда импортни рационал даражага қисқартирган ҳолда аграсаноат мажмуини экспортга йўналтириш учун мос равишда зарур бўлган ҳажмларда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, саноатни хом-ашё билан таъминлаш бўйича самарали аграсаноат ишлаб чиқаришини яратишдир.

Давлат озиқ-овқат сиёсатнинг асосий йўналишлари устивор вазифасини амалга оширишда қуйидаги вазифалар ҳал қилиниши лозим:

- аграсаноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг дастурий-меъёрий ҳужжатларини ҳамда аниқ дастурларни давлат ва ҳудудлараро миқёсдаги қисқа ва ўрта муддатли тадбирларга ажратган ҳолда ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- озиқ-овқат маҳсулотлари ва хом-ашё ресурсларини, товар ишлаб чиқарувчиларни иқтисодий рағбатлантириш ва бозор инфраструктурасини ривожлантириш асосида шакллантиришнинг самарали механизминини жорий қилиш, жаҳон бозорида мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари фаолиятини жадаллаштиришни таъминлаш мақсадида ташқи иқтисодий сиёсатни эркинлаштириш;
- нархлар ва даромадлар мутаносиблиги, такомиллашган солиқ, кредит, суғурта ва бошқа омилларни таъминлаш учун қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари ўртасидаги нархлаш муносабатларини тартибга солиш механизминини ишлаб чиқиш, аграсаноат ишлаб чиқаришини индиактив режалаштириш ва башорат қилишнинг замонавий тизимини яратиш;
- ер-сув муносабатларини такомиллаштириш, ердан фойдаланишда давлат назоратини кучайтириш; йирик товар ишлаб чиқаришнинг бузилган қувватларини тиклаш, хўжалик юритишнинг барча шаклларида ҳуқуқий ва иқтисодий тенглигини таъминлаш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотишда агросервис хизматида, савдо ва кредитлашда мулкчиликнинг турли шаклларидаги корхоналарнинг кооперация ва интеграциясини ривожлантиришни рағбатлантириш;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш ва қайта ишлашнинг самарали, энергия қувватлари ва ресурсларни тежайдиган технологияларни кенг қўллаш, аграсаноат мажмуини давлат сиёсатининг ягона объекти сифатида ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан расмиулаштириш ва ажратиш, бошқарув тизимини такомиллаштириш;
- аграсаноат ишлаб чиқариш ва АСМни юритиш тизимини ривожлантиришнинг ҳудудий дастурини ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиш асосида озиқ-овқат маҳсулотлари муаммоларини йегишда ҳудудларнинг аҳамиятини кучайтириш ва ҳоказо.

Ислохотларнинг навбатдаги босқичида давлат бошқаруви турли шакллар нархланадиган ва нархланмайдиган ва усуллардан бевосита ва билвосита фойдаланган ҳолда бозор иқтисодиётини барпо қилиш ва ривожлантиришга ёрдам кўрсатади, товар ишлаб чиқарувчиларнинг бозор шароитига кўникишлари ва ўзини-ўзи бошқаришлари учун замин яратади.

Мамлакат озиқ-овқат таъминотини яхшилашда дастлабки қадамлар маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва давлат бошқаруви ўртасидаги ўзаро муносабатларни фаоллаштириш ҳисобланади.

Бу жараён бевосита қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига боғлиқ ҳолда амалга оширилиши лозим, бироқ у давлат ва маҳаллий даражадаги қўллаб-қувватлашни талаб этади. Биринчи навбатда Давлатнинг иштироки улгуржи

озик-овқат маҳсулотлари бозори инфратизимларининг капитал сифимини яратишда молиялаштириш учун жуда зарур: маҳсулотларни сақлаш базалари, унга ишлов бериш, саралаш ва ташиш, шунингдек, ахборотлар билан таъминлаш шулар жумласидандир.

Республикада озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва импорт қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотлари даражасини пасайтириш учун қуйидаги чоралар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарур:

- озиқ-овқат таъминоти Концепциясини, ички бозорни маҳаллий ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари билан тулдиришнинг республика ва ҳудудий Дастурини ишлаб чиқиш;
- озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўсишини таъминлаш ва ушбу маҳсулотларнинг ички ва ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини ошириш учун ишлаб чиқариш омилларидан (технология, хом-ашё, материаллар, қишлоқ хўжалиги ресурслари)дан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чоралари;
- озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқараётган тармоқларни ишлаб чиқариш-технологик қуроллантиришни тезлаштириш учун чет эл инвестицияларини жалб қилиш бўйича чоралар;
- озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича замонавий технологияларга эгалик қилиш учун валюта бозорларини шакллантириш асоси сифатида маҳаллий хом-ашёдан тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти ҳажмини ошириш бўйича чоралар;
- озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи қишлоқ хўжалиги ва агросаноат мажмуи тармоқларида бозор ва таркибий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича чоралар;
- озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича замонавий маҳаллий қайта ишловчи ускуна ва технологияларни яратиш бўйича чоралар ва бошқалар.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилган кенг миқёсли иқтисодий ислохотлар аграр соҳада туб ўзгаришларга олиб келди. Энг аввало, пахта яккахокимлиги барҳам топди, аграр ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг ўзбек халқининг менталитетига мос ва жаҳоннинг илғор тажрибасига асосланган шакллари – деҳқон ва фермер хўжаликлари ташкил этилди. Маҳкамавий бошқарув тизими бартараф этилиб, ўрнига бозор усуллари татбиқ этила бошланди. Бу эса ўз навбатида қайта ишловчи тармоқларни қишлоқ хўжалиги хомашёси билан, аҳолини эса озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўла таъминлашга асос яратди. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги экспорт борасида ҳам йетакчи соҳалардан бирига айланди. Энг асосийси, қисқа муддатда мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигига эришилди.

Қишлоқ хўжалиги корхонани қайта ташкил қилиш жараёнида қишлоқда хусусий мулк синфи шаклланди. Бундан ташқари, шўролар даврида истеъмолининг 80 фоизи импорт ҳисобидан таъминлаб келинган мамлакатимиз ўта қисқа фурсат ичида ғалла мустақиллигига эриша олди. Натижада, ғалла йетиштириладиган майдонлар салкам икки баравар ёки 703,6 минг гектарга, суғороладиган ерларда эса бевосита 2,8 баравар ёки 875,6 минг гектарга ошди. Пахта экин майдонлари 268,1 минг гектарга қисқарди. Суғороладиган ерларда қишлоқ хўжалиги экинларини йетиштириш илмий асосланган параметрларга яқинлаштирилди: экин майдонлари таркибида ғалла экинининг улуши 40,6 фоизга, пахта майдонининг улуши эса 43,6 фоизга етказилди.

Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни шакллантиришда деҳқон хўжаликларининг алоҳида ўрни ва нуфузи бор. Айниқса, вилоятимизнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда деҳқон хўжалиги асосий ишлаб чиқарувчиси сифатида намоён бўлади. Фермер хўжаликлари билан солиштирилганда, деҳқон хўжаликлари асосий қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларидир. Қашқадарё вилоятида деҳқон хўжаликлари томонидан етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари динамикаси қуйидаги 1.2.2-жадвалда келтирилган.

1.2.2-жадвал

Қашқадарё вилояти деҳқон хўжаликларида 2008-2014 йилларда ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари динамикаси

т/р	Маҳсулот номи	Ўлч. бирлиги	Йиллар							2014 йилда 2008 йилга нисбатан фарқи	
			2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	+,-	%
1.	Дон	минг т.	115	75	121	137	127,2	121,5	125,2	10,2	108,8
2.	Картошк а	минг т.	46,4	54,7	59,3	70,5	70,1	82,1	92,7	46,3	199,8
3.	Сабзавот	минг т.	138	142,7	165,2	203	206,1	242,5	266,0	128	192,7
4.	Мева	минг т.	21,2	22,2	25	29,6	30,0	33,1	36,4	15,2	171,2
5.	Узум	минг т.	13,6	14,1	14,2	17,7	23,3	24,4	26,3	12,7	193,3
6.	Полиз	минг т.	29,3	33,5	37,9	41,3	42,0	46,3	51,3	22	175,1
7.	Гўшт	минг т.	126,4	139,3	152,6	162,8	173,5	186,8	199,6	73,2	157,9
8.	Сут	минг т.	481	520,6	564,7	603,8	640,7	701,7	751,8	270,8	156,3
9.	Тухум	млн.дона	112,1	123,3	139,1	151,5	166,0	176,5	204,0	91,9	181,9
10.	Жун	минг т.	3,55	3,82	4,23	4,58	3,97	4,0	0,6	-2,95	16,9
11.	Қоракўл тери	минг дона	68,7	75,1	80,1	88,1	94,4	95,6	125,5	56,8	182,7

Манба: Қашқадарё вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида таҳлил қилинган.

Вилоятда деҳқон хўжаликлари томонидан 2014 йилда 125,2 минг тонна дон, 92,7 минг тонна картошка, 266 минг тонна сабзавот, 36,4 минг тонна мева, 26,3 минг тонна узум, 51,3 минг тонна полиз, 199,6 минг тонна гўшт, 751,8 минг тонна сут, 204 млн. дона тухум, 600 тонна жун, 125,5 минг дона қоракўл тери етиштириб берилган. Бу эса 2008 йилга нисбатан дон етиштириш 8,8%га, картошка 99,8 %га, сабзавот 92,7 %га, мева 71,2 %га, узум 93,3 %га, полиз 75,1 %га, гўшт 57,9 %га, сут 56,3 %га, тухум 81,9%га, қоракўл тери етиштириш эса 82,7%га ошган. Бироқ деҳқон хўжаликлари томонидан етиштирилган жун маҳсулотларининг кўлами 83 фоизга камайиб кетган.

Кейинги йилларда мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигининг асосий таянчи бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, экин майдонлари таркибини оптималлаштириш, ишлаб чиқаришга янги ва илғор технологияларни жорий этиш, экин навлари ва чорва моллари зотини яхшилаш, уруғчилик-селекция ишларини тубдан яхшилаш борасида кенг камровли, шу билан бирга, пухта ўйланган ишлар амалга оширилди.

Амалга оширилган ишлар самараси ўлароқ, 1990-2014 йилларда дон етиштириш 3,7 баробарга яқин, картошка 5 баробар, сабзавот 2,2 баробардан ортиқ, мева 2,6 баробарга, узум 1,3 баробардан ортиқ, гўшт (тирик вазнда) 1,9 баробар, сут 2 баробардан ортиқ ва тухум ишлаб чиқариш 2,4 баробардан кўпроқ ошгани фикримизнинг далилидир.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг ошиши фақат экин майдонларини кенгайтириш эвазига эмас, балки асосан интенсив ривожланиш, яъни экинлар ҳосилдорлиги ва чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш эвазига таъминланмоқда.

Шундай қилиб, Қашқадарё вилоятида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2008-2014 йилдаги асосий натижаларига эришилди. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги сифат ўзгаришлари ва уни диверсификациялаш фермер хўжаликларини янада ривожлантириш, қорамолларни аҳоли ва фермер хўжаликларига кимошди савдолари орқали сотиш механизмларини

яратиш, имтиёзли мақсадли кредитлар ажратилиши, ветеринар хизматлари кўламининг кенгайиши ва сифати ошиши, зарур миқдорда ем-хашак етказиб бериш билан боғлиқдир.

II Боб. Тумандаги фермер хўжаликларига озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришнинг ҳозирги ҳолати ва хусусиятлари

2.1. “Шердор AS” фермер хўжалигининг тавсифи ва озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришнинг ўзига хос хусусиятларининг ҳолати таҳлили

Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунга мувофиқ фермерларга ер участкаларини узоқ муддатли ижарага бериш тартиби бўйича берилади.

Ғузор тумани “Шердор AS” фермер хўжалиги туман хокимининг 2010 йил 07 декабрдаги № 2728/11-сонли қарорига мувофиқ жами 66.9 гектар ер майдонни 49 йил узоқ муддатга ижарага берилди.

Ер участкалари фермер хўжаликларига танлов асосида ижарага берилиб, ижара муддати қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Фермер хўжаликларига ижарага берилган ер участкаларидан қатъий мақсадга мувофиқ ҳолда фойдаланилади, улар хусусийлаштирилиши ва олди-сотди, гаров ҳада, айирбошлаш объекти бўлиши мумкин эмас.

Фермер хўжаликларига ижарага берилган қишлоқ хўжалиги ерлари, экинларидан қишлоқ хўжалиги экинлари шартномасида назарда тутилмаган белгиланган мақсадлардан бошқа мақсадларда фойдаланилиши амалдаги қонун ҳужжатларида ва мазкур Низомда назарда тутилган барча келиб чиқадиган оқибатлари билан биргаликда ижара шартномасининг кўпол равишда бузилиши ҳисобланади.

Фермер хўжалигига берилган ер участкаси фермер хўжалиги қайта ташкил этилганда бўлиниши мумкин, агар уни бўлиш вақтида янги ташкил этилган ер участкалари «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ва ушбу Низомда назарда тутилган энг кам ўлчамлардан кам бўлмаса.

Фермер хўжаликларига ер участкаларини ижарага бериш бўйича материаллар ер тузиш хизмати органлари томонидан давлат бюджети маблағлари ҳисобига тайёрланади.

Ер участкалари бериш қоидага кўра, фермер хўжалигини ташкил этиш ва ер участкасини ижарага олиш тўғрисидаги барча ҳужжатлар қишлоқ хўжалиги экинлари йиғиштириш бўлинган муддатда расмийлаштирилган ҳолда амалга оширилади.

Давлат рўйхатига олинган пайтдан эътибордан икки йил мобайнида фермер хўжалиги ер участкасидан фойдаланганлик учун ижара ҳақи тўлашдан озод этилади.

Фермер хўжалиги лойиҳа асосида ерни ўзлаштира беш йил давомида ўзлаштирилган ер учун ягона ер солиғи тўлашдан озод қилинади. Хўжаликнинг ер майдонлари таркибини қуйидаги жадвалда акс эттиради.

2.1.1 – жадвал

Ғузор тумани “Шердор AS” фермер хўжалигининг умумий ер майдонининг тақсимланиши

т/р	Кўрсаткичлар	2015 йил	
		га	%
1	Умумий ер майдони	66,9	100
2	Суғориладиган ерлар	60,4	90.2
4	Сув ости ерлари	0,8	1.2
7	Йўллар эгаллаган ерлар	0,7	1,0
9	Қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган ерлар	5,0	7,5

Манба: Ғузор тумани “Шердор AS” фермер хўжалигининг ҳисоботи асосида тузилган.

Ушбу жадвалда хўжаликнинг умумий ер майдонлари таркиби келтирилган бўлиб, бунда суғориладиган ерлар жами ер майдонининг 90.2 фоизини, йўллар эгаллаган ерлар 1,0 фоизни, сув ости ерлари эгаллаган майдон 1.2 фоизни ва қишлоқ хўжалиги фойдаланилмайдиган ерлар эса жами ер майдонининг 7.5 фоизини ташкил этади.

Энди хўжаликнинг ер майдонларидан фойдаланиш кўрсаткичларини таҳлил қиламиз ва 3.2.2-жадвалда акс эттирамиз.

2.1.2-жадвал

Ғузор тумани “Шердор АС” фермер хўжалигида ер ресурсларидан фойдаланиш кўрсаткичлари таҳлили

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2015 йилда 2013 йилга нисб.ўзг. % ҳисоб.
1	Жами суғориладиган экин майдони	га	60,4	60,4	60,4	100
А	Ш.ж. ғалла майдони	га	36,5	35,5	36,5	100
	Ғалла ҳосилдорлик	с/га	35,0	40,0	42,5	121,4
Б	Пахта майдони	га	23,9	24,9	23,9	100
	Ҳосилдорлик	с/га	30	32,5	33,0	110
5	1 га ерга пахта майдонига сарфланган харажат	минг сўм/га	1035,4	1453,8	1803,5	174,2
6	1 га ерга ғалла майдонига сарфланган харажат	минг сўм/га	933,0	1200,0	1632	164,2
7	1 га пахта майдонидан олинган даромад	минг сўм/га	1407,0	1847,1	2194,0	155,9
8	1 га ғалла майдонидан олинган даромад	минг сўм/га	1233,0	1607,3	2266	183,8
9	1 га пахта майдонидан олинган фойда	минг сўм/га	371,6	393,3	390,5	105,1
10	1 га ғалла майдонидан олинган фойда	минг сўм/га	300,0	407,3	634,0	211,3

Манба: Ғузор тумани “Шердор АС” фермер хўжалигининг ҳисоботи асосида тузилган.

Ушбу жадвал маълумотлари асосида фермер хўжалигида ер майдони бирлигига ва бир бирлик маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланган харажатлар ва бир бирлик ер майдонидан олинган даромадлар ҳамда бир бирлик маҳсулот сотишдан олинган натижалар таҳлил қилинганда пахтачиликда бир гектар ерга сарфланган харажатлар 174,2 фоизга бир гектар ердан олинган даромад эса 155,9 фоизга ошганлигини кўриш мумкин. Ёки бир гектар ердан олинган фойда таҳлил қилинаётган даврларда 105,1 фоизга ошган. Ғаллачиликда эса бир гектар ерга сарфлар 164,2 фоизга, даромадлар 183,8 фоизга, олинган фойда қарийиб 211 фоизга ошганлигини кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 15 декабрдаги “Фермер хўжаликларини юритиш учун берилган ер участкалари майдонларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 362-сонли Қарорида кўтарилган асосий масала фермер хўжаликлари фаолияти самарадорлигини ошириш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш, шунингдек фермер хўжаликларининг молиявий ва иқтисодий ҳолатини мустаҳкамлашга қаратилди. Бунда республика бўйича мақбуллаштиришгача фермер хўжаликларининг сони 83514 тага етган бўлса, мақбуллаштиришдан сўнг уларнинг сони 101070 тани ташкил этди. Пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг сони 60695 тани, яъни жами фермер хўжаликларининг 60 фоизидан ортиғини ташкил этган ҳолда, битта фермер хўжаликларига тўғри келадиган ўртача ер майдони 52,7 гектарни ташкил этди. Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманида 586 та фермер хўжаликлари фаолият кўрсатиб, ўртача ер майдони ҳар бир фермер хўжалигига 65,1 гага тўғри келмоқда. Пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари сони 479 тани ташкил этиб, ўртача 70,5 га ер майдони тўғри келади. Шунингдек, туманда қишлоқ хўжалиги соҳасининг боғдорчилик ва узумчилик ҳамда чорвачилик тармоқлари ривожлантирилиб келинмоқда. (2.1.3-жадвал).

Демак, фермер хўжалигида озиқ-овқат маҳсулотларидан фақатгина ғалла маҳсулоти етиштирилиб, аҳолини нон ва нон маҳсулотларига бўлган талаби қондирилмоқда. Ғузор туманининг бошқа туманлардан ўзига хос хусусияти шундаки, сабзавотчилик, картошкачилик ва полизчилик маҳсулотларини асосан деҳқон хўжаликлари етказиб беради.

Республикада фермер хўжаликларининг ер билан таъминланиш даражаси билан ялпи маҳсулот миқдори ўртасидаги номутаносибликнинг уйзага келишига олиб келган қуйидаги сабабларни келтириш мумкин:

Биринчидан, ҳозирги кунда ҳам фермер хўжаликлари аксарият ҳолларда, ўзларига ажратиб берилган ер майдонларидан ўз ихтиёрлари билан мустақил ҳолда фойдалана олмаётганлиги.

Иккинчидан, фермер хўжаликлар томонидан етиштирилаётган маҳсулотларга давлат буюртмасини юқори даражада сақланиб қолаётганлиги.

Учинчидан, фермер хўжаликларида агротехник ва технологик жараёнларни ўз вақтида амалга ошириш учун керакли техника воситаларининг танқислиги.

Тўртинчидан, фермер хўжаликлар етиштираётган қишлоқ хўжалик маҳсулотига баҳо диспаритетини мавжудлиги.

Мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигининг асосий таянчи бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, экин майдонлари таркибини оптималлаштириш, ишлаб чиқаришга янги ва илғор технологияларни жорий этиш, экин навлари ва чорва моллари зотини, уруғчилик-селекция ишларини тубдан яхшилаш борасида кенг қамровли, шу билан бирга, пухта ўйланган ишлар амалга оширилди.

Ресурс тежовчи технологияларнинг жорий этилиши ва бошқа агроинновацион тадбирлар ҳисобига қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги йилдан-йилга ошиб борди, айнан мана шу кўрсаткич қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини белгиловчи асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

2.1.3-жадвал

**Қашқадарё вилояти фермер хўжаликларининг ер майдонларини мақбуллаштириш натижалари бўйича
уларнинг сони ва ўртача ер майдони**

Туманлар	Жами фермер хўжаликлари		Шу жумладан:									
			Пахтачилик ва дончилик		Сабзавотчилик ва полизчилик		Боғдорчилик ва узумчилик		чорвачилик		Бошқа йўналишлар	
	Сони, бирлик	Битта ф/х тўғри келадиган ўртача ер майдони, га	Сони, бирлик	Битта ф/х тўғри келадиган ўртача ер майдони, га	Сони, бирлик	Битта ф/х тўғри келадиган ўртача ер майдони, га	Сони, бирлик	Битта ф/х тўғри келадиган ўртача ер майдони, га	Сони, бирлик	Битта ф/х тўғри келадиган ўртача ер майдони, га	Сони, бирлик	Битта ф/х тўғри келадиган ўртача ер майдони, га
Ўздор	586	65,1	479	70,5			52	5,0	55	75,3		
Дехқонобод	322	62,1	228	68,5			29	9,1	60	68,1	5	7,6
Қамаш	881	64,1	680	76,8	45	10,0	84	5,3	50	64,9	22	7,0
Қарши	930	45,8	731	51,6	6	9,7	101	6,5	74	54,5	18	7,9
Косон	1251	45,0	1141	46,6			27	5,5	73	40,9	10	7,9
Касби	1106	40,3	920	46,2	97	9,5	60	5,9	18	41,3	11	9,5
Китоб	1084	17,0	216	45,5	262	9,0	519	6,1	70	42,0	17	5,2
Миришкор	1235	44,8	1068	50,1	6	6,8	108	6,8	48	21,4	5	6,0
Муборак	491	45,3	320	63,2	33	7,8	56	5,0	72	19,8	10	5,5
Нишон	1040	46,1	973	48,3	16	8,3	31	6,9	20	28,8		
Чирокчи	1261	75,3	1034	82,5	20	9,1	79	7,1	99	88,5	29	5,4
Шахрисабз	1096	19,3	412	35,7	185	8,2	350	5,2	80	34,7	69	5,1
Яккабўғ	1090	33,6	454	58,8	56	9,8	489	5,5	78	83,9	13	9,5
Жами:	12373	44,8	8656	56,9	726	8,9	1985	5,8	797	54,3	209	6,3

Manba: O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2015 yil 15 dekabrda 362-sonli Qaroridaberilgan ilovadanko'chirma.

Фермер хўжалиги аъзолари ҳамда шартнома асосида ишлётган ишловчилар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги хузуридаги «Нафақа» жамғармасига бадаллар тўланган тақдирда, меҳнат дафтарчаси белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳолда меҳнат стажига кўшилади ва пировард натижада нафақа олишлари мумкин.

Фермер хўжалигида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишда аввало ишчининг салт ишлашига йўл қўймаслик, замонавий технологияларни жорий этиш ва ижтимоий шароитларни яхшилаш, иш ҳақини ўз вақтида таъминлаш, моддий ва маънавий қизиқувчанлигини ошириш ва ҳар бир ишловчини пировард натижага боғлаган ҳолда фикрини ўзгартириш, мусобақа ва рағбатлантиришни яхши йўлга қўйишдан иборатдир.

2.14-жадвал

Ғузор тумани “Шердор АС” фермер хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш кўрсаткичлари таҳлили

№	Кўрсаткичлар	У.б.	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2015 йилда 2013 йилга нисб. ўзгар.	
						+;-	%
1	Ялпи маҳсулот шу жумладан: Пахтачиликда Ғаллачиликда	ming so'm	69595,56 37870,56 31725,0	98490,1 55610,1 42880,0	111788,64 62077,44 49711,2	42193,08 24206,88 17986,2	160,6 163,9 156,7
2	O'rtacha yillik bir ishchiga i/ch yalpi mahsulot Paxtachilikda G'allachilikda	ming so'm /kishi	1733,4 1685,2 1902,	1700,8 1455,8 2558,2	2239,6 1803 3767,2	+506,2 +117,8 +1865	129,2 107 198
3	Bir kishi soatda ishlab chiqarilgan yalpi mahsulot qiymati Paxta G'alla	so'm	1081,9 925,9 1164,5	1061,5 799,9 3045,5	1397,8 990,7 4484,8	+345,9 +64,8 +2220,3	129,2 107 198
4	1000 so'mlik YAM i/ch uchun sarfl. vaqt Paxta G'alla	Kishisoat	0,92 1,08 0,44	0,94 1,25 0,33	0,72 1,009 0,22	-0,2 -0,7 -0,22	78,3 93,4 50
5	1 s mahsulot i/ch uchun mehnat sarfi Paxta G'alla	Kishisoat /s	32,5 4,2	44,2 3,8	39,6 3,3	7,1 -0,9	121,9 78,6
6	Bir kishi soatiga ishlab chiqarilgan Paxta G'alla	kg/kishisoat	3,1 23,8	2,3 26,6	2,5 30,6	-0,6 6,8	80,6 128,6
7	1 ga ekin maydoniga mehnat sarfi Paxta G'alla	kishisoat/ga	389,7 707,8 104,2	389,7 849,3 76,4	389,7 1061,7 67,2	- 353,9 -37	100 150 64

Манба: Ғузор тумани “Шердор АС” фермер хўжалигининг ҳисоботи асосида тузилган.

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, 1 центнер пахта ҳосилини олиш учун 39,6 киши соат сарф бўлиб, бу кўрсаткич 2013 йилга нисбатан 7,1 киши соатга ошганлигини ва ғалла етиштириш учун эса 78,6 фоизни ташкил этиб, бу кўл меҳнати 21,4 фоизга камайганлигини кўриш мумкин.

Фермер хўжалиги раҳбари меҳнат ҳақи фондини йил бошида экин экиладиган майдонларнинг технологик картаси асосида ҳисоблаб, меҳнат ресурсларига бериладиган иш ҳақини режалаштиради. Фермер иш ҳақини тўлаш тартибини ишчи билан келишилган ҳолда ойлик маошнинг ҳаммасини ёки бир қисmini ҳосил йиғиштирилгандан сўнг олиши ҳам мумкин. Фермер иш ҳақи фойдадан солиқ тўловларини чегириб қолган қисмин тўлаб бериш мажбуриятини олади. Ҳар бир ишчи билан меҳнат шартномаси тузилганда фермер фаолиятига ва мулкига зарар келтирмаслик ва ҳавфсизлик, тижорат сирларини сотмаслик, ҳар бир сўмлик ҳаражат учун курашиш ишлари келишиб олинади.

2.2. Аграр соҳани ислоҳ қилиш ва ҳудудда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришнинг ҳозирги ҳолати таҳлили

Ғузор тумани 1926 йилда ташкил топган бўлиб, унинг умумий ер майдони 2,6 минг кв.км.дирни ташкил этади. Туманнинг аҳоли сони 189,1 минг кишини ташкил этади, шундан шаҳар аҳолиси 44,6 минг кишини қолган эса 144,5 минг киши қишлоқ аҳолисидир. Туманга бўйсўнувчи шаҳар бу Ғузор шаҳри бўлиб, шаҳар типдаги посёлкалар 5 тани, маҳалла фуқаролар йиғини 28 тани, қишлоқ фуқаролар йиғини эса 12 тани ташкил этади. Туман иқтисодиёт соҳасида банд бўлганлар 67,3 минг кишини ташкил этади.

Туманда барча соҳа тармоқларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар олиб борилаётган таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, иқтисодиётни мавжуд энг муҳим тармоқларни ва соҳаларни диверсификациялаш чора-тадбирлари жараёни давом эттирилиб, иқтисодий кўрсаткичларнинг барча соҳаларида силжишларга эришилди.

Энди туманнинг ер майдонларининг ер тоифалари бўйича тақсимланишини қуйидаги 2.2.1-жадвалда акс эттирамиз ва ўзгаришини таҳлил қиламиз.

2.2.1-жадвал

Ғузор туманининг умумий ер майдонининг тақсимланиши

(минг га)

Кўрсаткичлар	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	Ўзгари- ши (+;-)
Умумий ер майдони	265,2	265,2	265,2	265,2	-
шундан:					
ҳайдаладиган ерлар	61,8	61,8	61,6	61,6	-0,2
шу жумладан					
суғориладиган ерлар	31,1	31,1	31,2	31,2	0,1
Кўп йиллик дарахтзорлар	1,0	1,0	1,0	1,0	-
шундан:					
- боғлар	0,6	0,6	0,6	0,6	-
- узумзорлар	0,07	0,07	0,07	0,07	-
- тутзорлар	0,4	0,4	0,4	0,4	-
- кўчатзорлар	0,01	0,01	0,01	0,01	-
яйловлар	168,7	168,7	168,7	168,7	-

бундан ташқари					
аҳоли томорқа ерлари	4,0	4,0	4,0	4,0	-
Жами қишлоқ хўжалиги экинлари экиб фойдаланадиган ерлар	61,8	61,8	61,6	61,6	-0,2
шундан:					
суғориладиган ерларнинг улуши (%да)	50,3	50,3	50,6	50,6	0,3
шу жумладан:					
пахта экилган майдон	10,5	10,5	10,5	10,5	-
ғалла экилган майдон	11,7	16,8	13,9	13,9	2,2

Манба: Ғузур тумани статистика бўлими маълумотлари асосида таҳлил қилинган.

Ушбу жадвал маълумотлари таҳлилидан кўриниб турибдики, туманнинг умумий ер майдони 265,2 минг гектарни ташкил этиб, шундан ҳайдаладиган ерлар 61,6 минг гани, суғориладиган ерлар эса 31,2 минг гани ташкил этмоқда. Суғориладиган ерларнинг жами қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлардаги салмоғи 50,6 фоизни ташкил этган. Туманда пахта экилагн майдон 10,5 минг гектарни ташкил этиб, бу таҳлил қилинаётган даврларда ўзгаришсиз қолган. Ғалла майдони эса 2 минг 200 гектарга ошганлигини жадвал маълумотлари таҳлилидан кўриш мумкин.

Энди туманда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш динамикасини таҳлил қиламиз ва куйидаги жадвалда акс эттирамиз.

2.2.2-жадвал

Ғузур туманида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш кўрсаткичлари таҳлили

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	Ўзгариши % ҳисоб.
Қишлоқ хўжалик ялли маҳсулотлари	млн.сўм	100433,7	143270,6	177368,1	202970,0	202,1
(ўтган йилга нисбатан)	%	100,4	117,7	107,4	102,2	1,02пунктга ошган
Вилоятдаги улуши	%	6,3	6,8	6,8	6,8	1,08пунктга ошган
<i>шу жумладан:</i>						
Дехқончилик маҳсулотлари	млн.сўм	38288,9	58002,5	74361,2	79401,4	207,3
Чорвачилик маҳсулотлари	млн.сўм	62144,8	85268,1	103006,9	123368,6	198,5
Қишлоқ хўжалигида етиштириладиган озиқ-овқат маҳсулотларининг ўсиши						
Дехқончилик маҳсулотлари						
Картошка	тонна	816	1200	1313	1426	174,7
Сабзавот	тонна	26328	29146	30339	31317	118,9
Полиз	тонна	10476	11184	11800	130605	124,7
Мева	тонна	4881	5678	6460	7672	157,2
Узум	тонна	1324	1538	1950	2589	195,5

Чорвачилик маҳсулотлари						
Гўшт	тонна	15337	18111	18889	19727	128,6
Сут	тонна	51295	59224	68731	73506	143,3
Тухум	минг дона	9091	11714	15056	16316	179,5
Жун	тонна	883	1001	1243	1269	143,7
Карокултери	дона	18683	20375	19376	19442	104,1

Манба: Ғузор тумани статистика бўлими маълумотлари асосида таҳлил қилинган.

Туманда ялпи кишлоқ хужалиги маҳсулоти ишлаб чиқариш хажми 202 млрд 970 млн сўмни ташкил қилиб, шундан ўсимликчиликда 79 млрд 401 млн сум, чорвачиликда 123 млрд 368 млн сўмлик маҳсулотлар етиштирилиб, ўсиш 102,2 фоизга таъминланди.

Жумладан, гўшт 19727 тонна, сут 73506 тонна, тухум 16316 минг дона, 19442 дона қоракўл тери ишлаб чиқарилди.

Туманда 586 та фермер хўжаликлари мавжуд бўлиб, уларга бириктирилган ер майдони 38 минг 149 гектарни, уларда ишлайдиган ходимлар сони 9 минг 55 кишидан иборат, вилоятда ялпи кишлоқ хўжалик маҳсулотларига нисбатан фермер хўжаликларининг улуши 46.5 фоизни, деҳқон хўжаликларининг улуши эса 53.1 фоизни ташкил қилади.

Туманда барча тоифа хўжаликларида 1083 гектар боғлар мавжуд, шундан 954 гектари фермер хўжалиги ҳисобида бўлиб, ушбу боғлар инвентаризациядан ўтказилганда 90 гектарининг 60 %ида кўчат бўлмаганлиги сабабли ушбу боғлар реконструкцияга қўйилди. Ушбу боғ майдонини тўлдириш учун керак бўладиган кўчат ва талаб этиладиган маблағ ҳисоб-китоб қилиниб, боғ эгаларига юклатилди. 720 гектар боғ майдонларига катор орасига ишлов бериб шакл бериш, сув бериш, зараркундаларга қарши ишлов бериш узлуксиз равишда олиб борилмоқда.

Туманда барча тоифа хўжаликларида 196 гектар токзор мавжуд бўлиб, шундан 137 гектари фермер хўжалиги ҳисобида бўлиб, ушбу токзорлар инвентаризация қилинганда 18 гектар ток майдони реконструкция қилиш лозим деб топилиб, керак буладиган ток кўчатлари ҳисоб-китоб қилиб чиқилиб ток эгаларига ўз маблағлари ҳисобидан экиш бўйича чора-тадбирлар белгилаб берилган, қолган шунингдек, 119 гектар ток майдондаги токзорлар кесилган ва зараркундаларга қарши ишлов берилган, амалга оширилган ишлар юзаидан кунлик назорат ва маълумот юритилмоқда.

2015 йилда барча тоифа хўжаликларида сабзавот, полиз ва картошка етиштириш бўйича:

- сабзавот - 31317 тонна;
- полиз - 130605 тонна;
- картошка - 1426 тонна;
- мева - 7672 тонна;
- узум - 2589 тоннани ташкил қилади.

Туманнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларини таҳлил қилар эканмиз жами дебиторлик қарзлари 2015 йилда 242047,3 млн.сўмни ташкил этиб, кредиторлик қарзлари эса 309031,6 млн.сўмга тенг бўлганлигини қуйидаги 2.2.3-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриш мумкин.

**Ўзғор туманининг ижтимоий- иқтисодий ривожланиш
кўрсаткичлари таҳлили**

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	Ўзгариши % ҳисоб.
Молиявий натижалар						
Дебитор қарзлари	млн.сўм	71350,2	71350,2	277080	242047,3	339,2
жумладан: муддати ўтган	млн.сўм	х	х	530,6	420,1	-
Кредитор қарзлар	млн.сўм	247676	247676,1	356894,8	309031,6	124,8
жумладан: муддати ўтган	млн.сўм	х	301,0	х	х	-
Аҳоли сони	минг киши	175,2	181,6	185,3	189,1	107,9
Меҳнат ресурслари сони	минг киши	94,4	99,8	101,9	104,8	111,0
Иқтисодиёт тармоқларида ишловчиларнинг декабрь ойи ўртача иш ҳақи	сўм	1728555	2190175	2048318	2737615	158,4

Манба: Ўзғор тумани статистика бўлими маълумотлари асосида таҳлил қилинган.

Ушбу жадвалда келтирилган маълумотларидан кўриниб турибдики, тумanning дебиторлик қарзлари 339,2 фоизга ошиб кетган, кредиторлик қарзлари ҳам 124,8 фоизга тенг бўлиб, кредиторлик қарзларни ёпиш учун энг аввало тумандаги иқтисодиёт тармоқларидан олинadиган дебиторлик қарзлари ўз вақтида тўланиши йўлга қўйилса мақсадга мувофиқ бўлади. Туманда аҳоли сони 189,1 минг кишини ташкил этиб, шундан 104,8 минг киши ёки аҳолининг 55,4 фоизи меҳнат ресурслари ҳисобланади.

Аҳолининг тез суръатлар билан ўсиши ижтимоий муаммоларни кўндаланг қилиб қўймоқда. Туманда умумий озиқ-овқат товарлари бозори жуда секинлик билан шаклланмоқда. Аҳолини озиқ-овқат товарлари билан таъминлаш энг долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Бу эса туманда мавжуд ижтимоий-иқтисодий ҳолатни барқарорлаштиришда, ҳудуднинг мавжуд салоҳиятидан самарали фойдаланиш йўллариини излаб топишда, хусусан, бозор тамойилларига мос бўлган муносабатларни жадал вужудга келишин тақозо этади.


2.3. Ҳудудда озиқ-овқат бозори ривожланишининг асосий омиллари

Озиқ-овқат бозорининг шаклланиши ва ривожланишини олимлар томонидан асосан республика ва вилоятимиз миқёсида таҳлил қилиниб, илмий ишлар олиб борилмоқда. Ҳудуд миқёсида эса, тадқиқотлар деярли ўтказилмаган. Бу муаммо жуда долзарб бўлиб, ҳудуд миқёсида озиқ-овқат бозорининг шаклланиши ва ривожланиши омиллари республикага нисбатан бошқачарoқ хусусиятларга эгадир. Шу билан бирга умумминтақавий бозор ва минтақавий озиқ-овқат бозори ўртасида ҳам ўзарo умумий боғлиқлик, ҳам фарқ мавжуддир.

Умуман, озиқ-овқат бозорининг омиллари ва шароитларини қуйидаги тўртта ўзарo бир-бирига боғлиқ минтақавий даражадаги схемада кўриш мумкин (2.3.1-расм):

- ◆ жаҳон бозори миқёсида;
- ◆ республика миқёсида;
- ◆ иқтисодий районлар миқёсида (Қашқадарё вилояти);
- ◆ Ўзғор тумани миқёсида

Озиқ-овқат бозори тизимининг шаклланиши



2.3.1-расм. Озиқ-овқат бозори тизимининг шаклланиши

Озиқ-овқат бозорида таклифнинг шаклланишида қишлоқ хўжалигидаги сув ва ер ресурслари салоҳияти, агроиқлим шароити ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Суғориладиган ерлар майдонини келажакда кенгайтириш маълум даражада чекланганлигини эътиборга олган ҳолда, мавжуд ерлардан самарали фойдаланиш жуда муҳимдир.

Қашқадарё вилояти туманларидаги ерларнинг асосий қисмини яхши сифатли ерлар ташкил қилади. Вилоятда асосан Ғузор тумани ерлари паст сифатли ерлардан иборат бўлиб, сабаби унинг чўл зонасида жойлашганлигидадир. Шу ўринда, вилоятнинг Косон, Муборак ва Касби туманларида унумдорлиги паст ерларни асосан фермер хўжаликларига узоқ муддатли фойдаланиш асосида бириктириб бериш, экинлар таркибини тўғри жойлаштириш ва алмашлаб экиш тартибини тўғри ташкил этиш керак.

Шунингдек, ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун куйидаги чора тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- фермер хўжаликларига ажратиб берилаётган ерлардан фойдаланишда, экинлар таркибини танлашда қонунчиликда кўзда тутилган эркинликларни тўлиқ таъминлаш;
- ердан фойдаланиш самарадорлигини оширганлиги ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаганлиги учун фермер хўжаликларининг манфаатдорлигини ошириш;
- ердан ижара асосида фойдаланиш усулини такомиллаштириш;
- ердан фойдаланиш маданиятини ошириш, фаннинг ишлаб чиқариш билан узвий алоқаларини тиклаш ва ривожлантириш, қишлоқ меҳнаткашларига ҳуқуқий ва касбий таълим беришга доир кенг кўламли тадбирлар ўтказилиши зарур;
- қишлоқ хўжалиги экинларининг маҳсулдорлигини ўстираётган, ер ҳолатини яхшилаётган, уни ўзлаштиришда фаол қатнашадиган ҳамда ўзларининг шахсий захираларини ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сарфлайдиган хўжаликларга катта иқтисодий имтиёзлар яратилиши лозим.
- тупроқ эрозиясига қарши ва мелиоратив тадбирларни ўтказиш ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг саноатга асосланган энг замонавий технологиясини жорий этиш ҳисобига деҳқончилик маданиятини, тупроқ унумдорлигини ошириш.

Яқин-яқингача маҳсулот реализациясида давлат хариди пахта ва ғалла учун давлат томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, хом-ашё озиқ-овқат маҳсулотларини товар ишлаб чиқарувчи (таъминотчи) лардан қайта ишлаш ёки ўзаро фойдали шартларда истемолчи (харидор) ларга реализация қилиш учун ташкилий тарзда сотиш олиш шакли устун эди. Бундан ташқари, эҳтиёжларни ва субъектлар эҳтиёжларини қондириш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ва озиқ-овқатни етказиб бериш, товар ишлаб чиқарувчи ва истемолчи (харидор) орасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан ва озиқ-овқатлардан фойдаланиш учун ташкилий шартнома муносабатлари шакли ҳам мавжуд.

2.3.1- jadval

Ғузур тумани "Шердор АС" фермер хўжалигининг молиявий натижалари таҳлили

т/р	Кўрсаткичлар	ў/б	Йиллар			2015 йилда 2013 йилга нисб. ўзг. %
			2013	2014	2015	
1	Маҳсулот (товар ва хизмат)ларни сотишдан соф тушум	м.сўм	69595,56	98490,1	111788,64	160,6
2	Сотилган маҳсулот (иш ва хизмат)ларни таннари	м.сўм	48596,34	76592,24	90157,76	185,5
3	Маҳсулот (товар ва хизмат)ларни сотишнинг ялпи фойдаси	м.сўм	20999,22	21897,86	21630,88	103,0
4	Давр харажатлари	м.сўм	3689	3721	4417	119,7
	ш.ж.дан; Сотиш харажатлари	м.сўм	1381	1410	1488	107,7
5	Маъмурий харажатлар	м.сўм	2308	2311	2929	126,9
6	Асосий фаолият фойдаси	м.сўм	17310,22	18176,86	17213,88	99,4
7	Умумхўжалик фаолият фойдаси	м.сўм	17310,22	18176,86	17213,88	99,4
8	Фавқулодда фойда ва зарарлар	м.сўм	-	-	10157	-
9	Даромад (фойда) солиғини тўлагунга қадар фойда	м.сўм	17310,22	18176,86	27370,88	158,1
10	Ҳисобот даврининг соф фойдаси	м.сўм	17310,22	18176,86	27370,88	158,1

Манба: Ғузур тумани "Шердор АС" фермер хўжалигининг ҳисоботи асосида тузилган.

Бозор муносабатлари шароитида ҳар қандай корхонанинг асосий мақсади инсон эҳтиёжлари учун модди неъмат (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш ва фойда олишдан иборатдир. Шунинг учун фермер хўжалигини молиявий натижаларини 2.3.1- жадвал маълумотлари билан таҳлил қилганимизда, қишлоқ хўжалиги корхонасида маҳсулот сотишдан соф тушум 160,6 фоизга, сотилган маҳсулотларни таннари 185,5 фоизга, маҳсулот сотишнинг ялпи фойдаси 103 фоизга ўзгарганлигини кўриш мумкин.

Фермер хўжалигида давр харажатлари 119,7 фоизга, шу жумладан сотиш харажатлари 107,7 фоизга, маъмурий харажатлар 126,9 фоизга ўзгарган бўлиб, фермер хўжалигида асосий фаолият фойдаси, солиқ тўлагунга қадар фойда 158,1 фоизга, ҳисобот даврининг соф фойдаси 158,1 фоизга ўзгарганлигини кўриш мумкин. Товар ишлаб чиқарувчиларнинг қайта ишлаш саноати ва савдо корхоналари билан бевосита алоқалари ўта самарали ҳисобланади. Бу қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, уни ишлаб чиқариш

юклаб тушириш қайта ишлаш ва сақлашда йўқотишларни камайтиришнинг ҳақиқий амалдаги чораларидан биридир.

Ўз олдида турган масаладан келиб чиқиб, ишлаб чиқарувчилар унинг маҳсулотлари истеъмолчига реализация қилиниши амалга ошиши бўйича энг оптимал воситани танлаб оладилар.

Маҳсулотларни муваффақиятли реализация қилиш, қишлоқ хўжалиги хом ашёси ва озиқ-овқатлари бозорларининг ривожланиш ва функциялашув даражасига ҳам боғлиқ.

Ўзгўр туманида 2015 йилда қишлоқ хўжалиги йўналиши бўйича қабул қилинган Дастур асосида 84 та лойиҳалар амалга оширилиши белгиланган бўлиб, жами 8008 млн сўмлик, шундан 3190,0 млн сўм ўз маблағи ҳисобидан, 4818,0 млн сўм банк кредити ҳисобидан амалга оширилиши натижасида 421 та иш ўрни режалаштирилган, амалда 94 та лойиҳа амалга оширилди ва 7 млрд. 355 млн сўмлик маблағ сарфланди, шундан 2 млрд. 663 млн сўм ўз маблағи, 4 млрд. 692 млн сўм банк кредити ҳисобидан амалга оширилиб 501 та янги иш ўринлари яратилди ва дастурлар ижроси 111 фоизга бажарилди.

Чорвачилик бўйича жами 46 та лойиҳа режалаштирилган бўлиб, амалда 41 та лойиҳа амалга оширилди ва 3 млрд 689 млн сўмлик маблағ сарфланди, шундан 1 млрд 93 млн сўм ўз маблағи ҳисобидан, 2 млрд 596 млн сўм банк кредити ҳисобидан 143 та янги иш ўринлари яратилди ва дастур 90 фоизга бажарилди.

Паррандачилик бўйича жами 9 та лойиҳа режалаштирилган бўлиб, амалда 10 та лойиҳа амалга оширилди ва 674 млн сўмлик маблағ сарфланди, шундан 168,0 млн сўм ўз маблағи ҳисобидан, 506 млн сўм банк кредити ҳисобидан 48 та янги иш ўринлари яратилди ва дастур ижроси 111 фоизга бажарилди.

Асаларичилик бўйича 15 та лойиҳа режалаштирилган бўлиб, амалда 14 та лойиҳа амалга оширилди ва 755 млн сўмлик маблағ сарфланди, шундан 236,0 млн сўм ўз маблағи ҳисобидан, 457 млн сўм банк кредити ҳисобидан 31 та янги иш ўринлари яратилди ва дастур ижроси 93,3 фоизга бажарилди.

Иссиқхона бўйича жами 6 та лойиҳа режалаштирилган бўлиб, амалда 22 та лойиҳа амалга оширилди ва 1073 млн сўмлик маблағ сарфланди, шундан 252,0 млн сўм ўз маблағи ҳисобидан, 821 млн сўм банк кредити ҳисобидан 74 та янги иш ўринлари яратилди ёки дастур муддатидан олдин 3,7 маротаба ошиғи билан бажарилди.

Пиллаҳона бўйича 2 та пиллаҳона режалаштирилган бўлиб, амалда 2 та лойиҳага 854 млн сўм маблағ сарфланиб, 168 та иш ўринлари яратилди.

Совутгичли сигим бўйича 2 та лойиҳа режалаштирилган бўлиб, амалда 2 та лойиҳага 96 млн сўм маблағ сарфланиб, 2 та иш ўринлари яратилди.

. Дастур ижросини таъминланиши натижасида қора мол бош сони 145 815 бошга яъни 101,2 фоизга ўсиши таъминланди.

Паррандалар бош сони 338000 тани ташкил қилиб, 2014 йил охирига 356000 бошга яъни 105,3 фоизга ўсиши таъминланди.

Асаларичилик соҳасида 2013 йилда 12 тонна асал ишлаб чиқарилган бўлса, 2014 йилда 27 тоннага етказилди. Яъни 128,5 фоизга ўсиш таъминланди.

Туманда 2014-2015 йил куз-қиш мавсумига аҳолини асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш учун захира (закладка) яратиш бўйича 3150 тонна режалаштирилган бўлиб, бугунги кунгача тайёрлов ташкилотлари томонидан картошка 724 тонна, пиёз 456 тонна, сабзи 721 тонна, қарам 198 тонна, мева 461 тонна, полиз 334 тонна, гуруч 158 тонна, дуккакли 157 тонна жами 3228 тонна маҳсулотлар захирага қуйилиб, 102 фоизга бажарилди.

Бугунги кунга келиб бозордаги нарх-новоларни пасайтириш мақсадида 30-январ ҳолатида 428 тонна маҳсулот истеъмолга чиқарилди.

Демак, ҳудудий озиқ-овқат бозорининг шаклланишида институционал ўзгаришларни амалга ошириш ва ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг аҳамияти жуда муҳим. Хусусий секторни янада ривожлантириш, фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятини жадаллаштириш, тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш аҳолини озиқ-овқат билан

таъминлашда катта ёрдам беради.

Бозорда асосан қуйидаги хўжалик юритувчи субъектлар фаоллик кўрсатишлари керак. Биринчидан, қишлоқ хўжалигидаги фермер, деҳқон ва бошқа қишлоқ хўжаликлари озиқ-овқатнинг таклифини шакллантирадилар. Иккинчидан, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишловчи саноат корхоналари; учинчидан, бозор инфратузилмаси субъектлари маҳсулотларни тайёрлаш, ташиш, сақлаш ва сотиш билан шуғулланадилар.

Бу субъектлар ичида энг муаммолиси бу ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини ҳудудда талаб даражасида ривожланмаганлигидир. Сақлаш омборлари, ташиш, савдо майдонларининг қувватлари етарли эмас.

Ўзор тумани жуда кўп кичик тадбиркорлар савдо корхоналари ва қишлоқ хўжалиги ўртасидаги муносабатлар орқали озиқ-овқат бозорида иштирок этмоқдалар. Уларнинг самарадорлиги жуда паст ва аҳолининг ўсиб бораётган талабларига жавоб бера олмайди.

Озиқ-овқат бозорини ташкил қилишда товар биржаларининг аҳамияти катта. Жумладан, улгуржи озиқ-овқат бозорини ривожлантириш ишлаб чиқарувчи, сотувчи ва истеъмолчи ўртасидаги самарали бозор механизмини вужудга келтиради.

Шунингдек, туманда, ҳудудий озиқ-овқат бозори субъектлари ассоциациясини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ. Унинг мақсади аҳолини ўз вақтида озиқ-овқат товарлари билан таъминлаш, товарларни сақлаш ва со-тишнинг илғор усулларини жорий қилиш, бозорларни чуқур ўрганиш, товар-ларни сертификатлаш, рекламани ташкил қилиш ва бошқалардан иборат.

Туманда озиқ-овқат бозорини янада ривожлантириш кўп жиҳатдан яна қуйидаги омилларга боғлиқ:

- ◆ республика ҳукумати томонидан пул-кредит сиёсатини амалга ошириш, инфляцияни муқобил даражада ушлаб туриш;

- ◆ инвестиция сиёсатида ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини ривожлантиришга эътиборни кучайтириш;

- ◆ солиқ ва бюджет сиёсатида маҳаллий бюджетларнинг аҳамиятини ошириш.

Юқорида кўрсатиб ўтилган омиллар ва иқтисодий шароитларни эътиборга олган ҳолда ҳудудий озиқ-овқат бозорини ривожлантиришнинг турли сценарий ва вариантларини ишлаб чиқиш мумкин.

3-Боб. Истиқболда ишлаб чиқаришни диверсификациялаш шароитида озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришнинг иқтисодий самарадорлиги

3.1. Фермер хўжаликлари фаолиятини диверсификация қилиш орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўналишлари

Бугунги кунда мамлакатимизда фермер хўжаликлари кишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий ишлаб чиқарувчисига, аграр соҳани ва у билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқларни янада ривожлантириш, шунингдек, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган қудратли ижтимоий-сиёсий кучга айланиб бормоқда.

Иқтисодиётни бошқа тармоқларида бўлганидек, кишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам бозор муносабатларини жорий этиш ва хусусий мулкчилик шаклини ривожлантиришга йўналтирилган иқтисодий ислохотлар бўйича мустақиллик йилларида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Фермерликни ривожлантириш, фермер хўжаликларининг иқтисодий ва молиявий мустақиллиги учун мустаҳкам ҳуқуқий асослар ҳамда кафолатларни яратиб берувчи Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. 2004-2006 йилларда паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган ширкат хўжаликлари негизида фермер хўжаликлари ташкил этилиши натижасида 2008 йил бошига келиб мамлакатимизда фаолият олиб бораётган фермер хўжаликлари сони 219,7 мингтага етди. Ер, сув, техника ва моддий – пул ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида фермер хўжаликлари ер участкалари мақбуллаштирилиши натижасида 2012 йил бошига келиб улар сони 66134 тагача қисқарди. Кейинги йилларда паррандачилик, балиқчилик ва асаларичилик йўналишидаги фермер хўжаликлари сони кескин ошди.

Ҳозирги кунда мамлакатда етиштирилаётган доннинг 80,0 фоиздан ортиғи, пахта хом ашёсининг қарийб ҳаммаси, сабзавотнинг 35,6 фоизи, полиз маҳсулотларининг 54,5 фоизи фермер хўжаликлари улушига тўғри келмоқда.

Қашқадарё вилояти Фермерлар Кенгаши маълумотларига кўра, 2015 йил 1 январ ҳолати бўйича вилоятда жами 12373 та фермер хўжаликлари фаолият кўрсатиб, уларга 554310,4 гектар ер майдони узоқ муддатли ижарага берилган. Ўртача 1 фермер хўжалигига тўғри келадиган ер майдони 44,8 гектарни ташкил этади. Вилоятда пахта-ғалла йўналишидаги фермер хўжаликлари 8656 та, ўртача ер майдони 56,9 гани, сабзавотчилик-полизчилик хўжаликлари 726 та, ўртача ер майдони 8,9 гани, боғдорчилик-узумчилик хўжаликлари 1985 та, ўртача ер майдони 5,8 гани, чорвачиликка ихтисослашганлари 797 та, ўртача ер майдони 54,3 гани ва бошқа йўналишлардаги фермер хўжаликлари 209 та, ўртача ер майдони 6,3 гани ташкил этади. 2014 йилда Қашқадарё вилоятида жами пахта хом – ашёсининг 99,8 фоизи, бошоқли дон экинларининг 81,0 фоизи, буғдойнинг 81,3 фоизи, мойли экинларнинг 94,6 фоизи, картошканинг 18,4 фоизи, сабзавотнинг 57,8 фоизи, полиз маҳсулотларининг 45,5 фоизи, меванинг 48,4 фоизи ва узумнинг 65,7 фоизи фермер хўжаликларида етиштирилган.

Барча тоифа хўжаликлардаги жами йирик шохли қорамолларнинг 4,6 фоизи, шундан сигирларнинг 3,7 фоизи, қўй ва эчкиларнинг 6,5 фоизи, отларнинг 6,4 фоизи ва паррандаларнинг 19,4 фоизи вилоятда фаолият юритаётган чорвачилик йўналишидаги фермер хўжаликларида боқилмоқда. Шунга мос равишда Қашқадарё вилоятида сўйиш учун етиштирилган моллар ва паррандаларнинг (тирик вазнда) 3,2 фоизи, соғиб олинган сутнинг 4,6 фоизи, тухумнинг 22,9 фоизи, қирқиб олинган жуннинг 11,7 фоизи, қоракўл терининг 3,3 фоизи, олинган асалнинг 31,4 фоизи, овланган балиқнинг 72,8 фоизи ва пилла хом – ашёсининг 96,1 фоизи фермер хўжаликлари улушига тўғри келади.

Вилоят фермер хўжаликларида бугунги кунда 154473 та доимий ишчилар, 113707 та мавсумий ишчилар фаолият юритмоқда. Доимий ишлайдиган ўртача бир ишловчига ойига 312521,7 сўм, мавсумий ишчига эса 155293,7 сўм иш ҳаққи тўланган. Фермер хўжалиги ишчиларидан 9584тасига ижтимоий муҳофаза бўйича кўрсатилган моддий ёрдам 666128 минг сўмни ташкил этган.

Қашқадарё вилоятида фаолият юритаётган жами фермер хўжаликлари бошлиқларининг 67,5 фоизи 30 – 50 ёшгача бўлганларни ташкил этади. Уларнинг 39,8 фоизи олий, 43,1 фоизи эса ўрта махсус маълумотга эга. 573та аёл фермер хўжалиги бошлиғи сифатида фаолият юритмоқда. Жами фермер хўжалиги бошлиқларининг 62,5 фоизи қишлоқ ва сув хўжалиги бўйича мутахассисликга эга.

Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида”ги фармонини ҳам мана шундай меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар сирасига киритсак бўлади. Ушбу фармонда собиқ Фермер хўжаликлари уюшмаси ўрнида Ўзбекистон Фермерлар Кенгашини ташкил этиш, қолаверса, мамлакат аграр секторини барқарор ва самарали ривожлантиришнинг, аҳоли фаровонлигини оширишнинг энг муҳим бўғини сифатида фермер хўжалиқларининг роли ва аҳамиятини ошириш мақсадида кўп тармоқли фермер хўжалиқларини ривожлантириш тўғрисида алоҳида таъкидлаб ўтилган. Мана шундай устувор қонун ва фармонлар, қолаверса, бажарилаётган амалий тадбирлар эвазига ўтган йиллар давомида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигисоҳасида, шу жумладан, фермерлик ҳаракатида ҳам қатор ижобий натижаларга эришилмоқда.


Кўп тармоқли фермер хўжалиқларини ташкил этишдан асосий мақсад уларни фақат бир ёки иккита маҳсулот етиштириш билан чекланиб қолмасдан, қонун билан таъқиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланишларига, мавжуд ишчи кучи, техника, бино ҳамда пул маблағлари каби ресурслардан самарали фойдаланишларига имконият яратиб беришдан иборат.

Кўп тармоқли фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан бир қаторда уларни чуқур қайта ишлаш, қурилиш ишларини амалга ошириш, қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш каби йўналишларда самарали фаолият кўрсатмоқда. Улар фаолият кўрсатаётган жами фермер хўжалиқларининг 20,0 % дан ортиғини ташкил этмоқда.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани сингари Қашқадарё вилоятида ҳам кўп тармоқли фермер хўжалиқларини ташкил этиш ва ривожлантириш борасида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.

Қуйида келтирилган диаграммада 1990-2013 йиллар давомида мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини диверсификация қилиш кўрсаткичлари келтирилган бўлиб, бунда пахта майдонлари 1990 йилларда 2000 минг гага экилган бўлиб, бу кўрсаткич 2013 йилда 1200 гектарга, яъни 800 гага қисқарганлигини кўриш мумкин. Шунингдек, бошқа экин турларининг майдонлари кенгайтирилиб, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаби қондирилганлигидан далолат беради.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши диверсификация қилинди



3.1.1-расм. Мамлакатда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг диверсификация қилиниши

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2013-2014 йилларда вилоятда кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш бўйича жами 5799 та лойиҳа амалга оширилган бўлиб, уларнинг энг кўпи сабзавотчилик (2449 та ёки 42,2 %) ва сервис хизматлари кўрсатиш (2156 та ёки 37,2 %) йўналишларига тўғри келади. Лойиҳаларни амалга ошириш учун ажратилган банк кредитлари миқдори таҳлил қилинган даврда 40506 млн. сўмни ташкил этган. Икки йил мобайнида ажратилган банк кредитларининг асосий қисми қорамолчилик (28,9 %), паррандачилик (11,4 %), сутни қайта ишлаш (12,2 %), мева-сабзавотни қайта ишлаш (29,7 %) ва сервис хизматлари кўрсатиш (9,1 %) соҳаларида амалга оширилган лойиҳаларга тўғри келган. Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш лойиҳаларини амалга ошириш натижасида 2013-2014 йилларда вилоятда жами яратилган 19184 та янги иш ўринларининг 2198 таси (11,5 %) тоқзорлар ташкил этишда, 7922 таси (41,3 %) сабзавотчилик йўналишида ва 5467 таси (28,5 %) сервис хизматлари кўрсатиш соҳасига тўғри келади.

Келгусида мамлакатимизда, жумладан Қашқадарё вилоятида кўп тармоқли фермер хўжаликларини янада ривожлантириш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:

- ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилашга давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳажмини кескин ошириш;
- пахта ва ғалла сифатини аниқлайдиган лабораторияларни пахта заводи ва ғалла қабул қилиш пунктларидан мустақил равишда ташкил этиш;
- пахта етиштирадиган фермер хўжаликлари шартнома шартларини бажарган тақдирда уларга тегишли шрот ва шелухаларни рағбатлантириш мақсадида берилишини таъминлаш;
- кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантиришда имтиёзли банк кредитлари ҳажмини кескин ошириш;
- ишлаб чиқариш – иқтисодий кўрсаткичлари юқори бўлган кўп тармоқли фермер хўжаликларининг рағбатлантириш тизимини яратиш;

- маҳсулот ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш бўйича фермер хўжаликлари кооперацияларининг турли шакллари ташкил этиш ва бошқалар.

3.2. Худудда озиқ-овқат етиштиришда эришилган натижалар ва истиқболдаги йўналишлар

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб Президентимиз томонидан белгилаб берилган аграр соҳани ривожлантириш стратегияси соҳада янги иқтисодий муносабатларни жорий этиш ва ишлабчиқаришни модернизация қилиш ва диверсификациялаш орқали мамлакат озиқ-овқат мустақиллигини таъминлашга қаратилди. Бу йўлда Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, биринчи навбатда, сабзавот, мева ва узум етиштириш бўйича тўплаган тажрибаси, уларнинг дунё селекциясида ўхшаши бўлмаган жуда бой, хилма-хил навлари, бетакрор сифати, озиқ-овқат соҳасидаги мавжуд мауаммоларни ечишда ва глобал озиқ-овқат дастурини ҳаётга татбиқ этишда қўшаётган ҳиссасини жаҳон жамоатчилиги эътироф этмоқда. Ҳақиқатан ҳам Ўзбекистоннинг ноёб тупроқ-иқлим шароити, мамлакатимизда қуёшли кунларнинг бир йилда 320 кундан кам бўлмаслиги, барча тўрт фаслнинг изчил алмашилиб туриши деярли йилдавомида кенг турдаги мева ва сабзавотларнинг кўплаб навларини етиштириш учун қулай имкониятлар яратди.

Экспертларнинг маълумотларига кўра юртимизда етиштирилган мева-сабзавотлар ўзининг бебаҳо истеъмол хусусиятлари, яъни таркибида табиий шакар, органик кислоталар, саломатлик учун зарур бўлган микроэлементлар ва озиқ-овқат рационида ўрнини алмаштириб бўлмайдиган турли биологик моддаларга бойлиги билан бошқа минтақаларда етиштирилган шундай маҳсулотлардан сезиларли равишда юқоритурди.

Мамлакатимизда етиштирилаётган мева ва сабзавотларнинг фақат уларга хос бўлган хусусиятларива тўйимлилик даражаси ҳақида сўз борар экан, селекционерларимиз томонидан кейинги йилларда сабзавот, полиз экинлари ва картошканинг 170 дан ортиқ навини, мева ва резавор экинлар ва узумнинг 175та янги навини яратганликларини алоҳида қайд этиш зарур.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда тарихан шаклланган кўп асрлик анъанавий сабзавотчилик ва боғдорчилик маданияти азалдан маҳаллий ўғитлардан фойдаланиб келинадиган деҳқончиликка асосланган. Бу жуда мазали таъмга ва истеъмол хусусиятларига эга бўлган экологик тоза мева ва сабзавотлар етиштириш имконини беради. Шунинг учун ҳам юртимизда етиштирилаётган мева ва сабзавотлар юқоринуфузли товар белгисига эга бўлиб, уларни сотиб олаётган мамлакатларда ўзининг юксак рақобатбардошлиги билан ажралиб туради.

Мустақиллик йилларида республикаимизда амалга оширилган ислохотлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни тубдан яхшилаш ва аҳолини асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш, уларни катта миқдорда экспорт қилишни йўлга қўйиш имконини берди. Бугун республикаимизнинг кўплаб минтақалари қисқа муддат ичида жаҳон бозорида харидоргир бўлган мева ва сабзавот маҳсулотлари етиштирадиган ва экспорт қиладиган худудларга айланди.

Мамлакатимизда юқори ҳосил берадиган кўплаб интенсив боғлар барпо қилинди, томчилатиб суғориш тизими жорий қилинди. Фақатгина 2013 йилнинг ўзида узумчиликни янада ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурда тоқзорларни 1,3 баробар кўпайтиришга эришилди. Қишлоқ хўжалигида амалга оширилган ислохотлар натижасида илгари ўз аҳолисини боқиш учун 5 миллион тонна бўғдойни четдан сотиб олиб келаётган Ўзбекистон ғалла етиштириш ҳажмини 1 миллион тоннадан 7-8 миллион тоннага етказди, бу билан мамлакатимиз ғалла мустақиллигига эришибгина қолмасдан юқори сифатли бўғдойни қўшни давлатларга экспорт қиладиган мамлакатга айланди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 2 баробардан зиёд ошди. Бу республикаимиз аҳолисининг қарийб 10

миллион кишига ёки 30 фоиздан ортиққўпайишига қарамасдан, жон бошига тўғри келадиган гўшт истеъмолини 1,3 баробар, сут ва сутмахсулотларини 1,6 баробар, картошкани 1,7 баробар, сабзавотларни 2 баробардан зиёдрок, меваларни 4 баробар ошириш имконини берди.

Бугунга келиб мамлакатимизда ҳар йили 16 миллион тоннага яқин мева ва сабзавот етиштирилмоқда. Аҳоли жон бошига қарийб 300 килограмм сабзавот, 75 килограмм картошка ва 44 килограмм узум тўғрикелмоқда. Бу мақбул деб ҳисобланадиган истеъмол меъёридан 3 баробар кўпдир. Мамлакатимизда амалга оширилаётган озиқ-овқат дастури доирасида ҳозирги вақтда республикамиз озиқ-овқат, биринчи навбатда, мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилмоқда. Сўнгги уч йилда экспорт қилинаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 3 баробардан зиёд ошди. Ўзбекистон бугун дунёнинг 80 та давлатига 180 турдаги сархил мева-сабзавот ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотларни экспорт қилмоқда. Ўзбекистон ўрик, олхўри, узум, ёнғок, қарам ва бошқа кўплаб мева ва сабзавот маҳсулотларини етказиб берадиган ўнта етакчи давлат қаторига қиради.

Кейинги 10 йилда мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари юқори суръатлар билан ишлаб чиқарилмоқда. Буни қуйидаги рақамларда кўриш мумкин: 2013-2015 йилларда сабзавот етиштириш 7,7 баробар, мева етиштириш 5,1 баробар, полиз маҳсулотлари 7,8 баробар, узум етиштириш 8,7 баробарга ўсди. Озиқ-овқат дастурига асосан 2020 йилга бориб мева ва сабзавот етиштиришни 2015 йилга нисбатан камида 2,3 баробарга кўпайтириш мўлжалланган. Бунга эришиш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва албатта мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга жаҳон бозоридаги талабни ошириш, уларни сақлаш, истеъмолчиларга етказиб беришнинг замонавий тизимини шакллантиришни талаб этади. Бу йўналишда республикамизда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда жами 190 минг тоннадан зиёд мева ва сабзавотлар сақланадиган 274 та замонавий совутигичли камера ва омборлар қуриш ва тўлиқ реконструкция қилиш ишлари ниҳоясига етказилди. 2010 йилда «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида 3 минг тоннадан ортиқ сархил мева-сабзавотни нейтрал газли муҳитда сақлаш бўйича замонавий қувватлар фойдаланишга топширилди. Ушбу маҳсулотлар халқаро авиатранспорт ёрдамида Европа ва Осиё мамлакатлари бозорларига етказиб берилмоқда.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда жами 630 минг тонна маҳсулотни сақлаш қувватига эга бўлган 1300 дан зиёд омбор мавжуд. Уларда ҳар йили мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий турлари сақланмоқда. Бу эса ички бозорларимизда нарх-навони барқарор ушлаб туриш ва кузги-қишқи мавсумда озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилишни кафолатли таъминлаш имконини бермоқда.

Қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришда Жаҳон банкининг иштироки кенгайиб бормоқда. Ҳозиргача умумий қиймати 380 миллион доллар бўлган 8 та лойиҳа амалга оширилди, 2014 йилда яна умумий қиймати 450 миллион долларлик 2 та лойиҳани амалга оширилди. Жанубий Қорақалпоғистонда Жаҳон банки томонидан ажратилаётган узоқ муддатли имтиёзлик кредитлар ҳисобидан сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш бўйича 260 миллион долларлик йирик лойиҳа амалга оширилмоқда. Мазкур лойиҳа доирасида яроқсиз ҳолга келиб қолган 30 минг гектар ерникайта тиклаш режалаштирилган. Келгусида бу ерларда диверсификациялашган ва юқори даражада механизациялашган озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш имконияти юзага келади.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги соҳасида бугунги кунгача Германия, Голландия, Австрия, АҚШ, Швейцария, Хитой, Жанубий Корея, Италия, Испания каби 50 та мамлакатдан тўғридан-тўғри жалб этилган хорижий инвестициялар асосида мева ва сабзавотларга юқори ҳароратда ишлов бериш, асептик усулда консервациялаш, музлатиш ва сунъий қуриштириш имконини берадиган 400 га яқин корхона ташкил этилди.

Букорхоналарда 2013 йилнинг ўзида умумий қиймати 800 миллион долларлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, жумладан, 200 миллион доллардан зиёд маҳсулот экспорт қилинди.

Мамлакатимизда қабул қилинган озиқ-овқат дастурини бажариш юзасидан Қашқадарё вилоятида ҳаммуҳим ишлар амалга оширилмоқда. Вилоятимизда боғдорчиликка хориж тажрибасини кириб келиши ижобий натижалар бермоқда. Интенсив технология асосида ташкил қилинадиган боғлар аҳолининг мевага бўлган эҳтиёжини қондириш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Ер ва сув ресурсларини тежаш имконини берадиган бундай боғлар вилоятимизда 900 гектарни ташкил этади. Пакана ва ярим пакана олма, ўрик, нок, шафтоли кўчатлари асосан Польша, Сербия ва Туркиядан олиб келинмоқда. Бундай мева кўчатлари 2-йилдан бошлаб қисман, 4-5 йилдан кейин эса тўлиқ ҳосилга киради. Бундан ташқари, вилоятимизда аҳолининг томорқа ерларида, фермер ва деҳқон хўжалиги ерларида ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш борасида ҳам муҳим ишлар қилинмоқда.

Вилоятимизнинг Косон туманидаги Пистали, Алачабоб, Раимсўфи, Хўжақудук, Чироқчи туманидаги Кўкдала қишлоқларида кўплаб оилаларда эртачи бодринг, помидор, тарвуз, қовун етиштиришда ўзига хостажиба тўпланган.

Вилоятимизда айрим туманларни мева ва сабзавот етиштиришга ихтисослаштиришга қаратилган саноат-ҳаракатлар ижобий натижасини бермоқда. Китоб тумани, кейинги 5 йилда ана шу йўлдан бориб боғдорчилик ва мева-сабзавот етиштириш бўйича катта ютуқларни қўлга киритмоқда.

Вилоятимизнинг Қамаши, Ғузор, Деҳқонобод, Қарши туманларидаги фермер хўжаликларида ҳаммева ва сабзавотлардан мўл-кўл ҳосил олиб келинмоқда. Мева ва сабзавотларни қишга ғамлаш иши ҳамаста-секин йўлга қўйилмоқда. Вилоятимизнинг Китоб, Шаҳрисабз туманларида Қарши шаҳрида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қишга сақлаш учун замонавий совутгичли омборхоналар қуриш кенг тусолмоқда. Бу эса бозорларимизда олма, нок, узум, анор, лимон, помидор, бодринг каби сархил мева ва сабзавотларни мўл-кўл ва арзон бўлишини таъминламоқда.

3.2.1-жадвал

Қашқадарё вилоятида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Улчов бирлиги	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил
Қишлоқ хўжалик қили маҳсулоти амалдаги баҳода	млн.сўм	2439542,4	2618358,6	3078819,3	3553363,6
<i>Шу жумладан:</i>					
Деҳқончилик маҳсулотлари	млн.сўм	1326317,5	1382107,2	1035358,0	1858604,1
Чорвачилик маҳсулотлари	млн.сўм	1113224,9	1236251,4	1310337,0	1694759,5
Ўтган йилга нисбатан ўзгариши	%	106,2	106,8	106,2	106,6
Деҳқончилик маҳсулотлари					
Картошка	тонна	126313	140149	150198	175282
Сабзавот	тонна	397968	433750	467265	505407
Полиз	тонна	111235	121467	160605	140797
Мева	тонна	88717	96521	110744	130041
Узум	тонна	68680	76022	88915	97049
Чорвачилик маҳсулотлари					

Гўшт	тонна	205757	218989	233456	248008
Сут	тонна	771996	829408	888269	952542
Тухум	мингдона	248135	279651	318543	366695
Жун	тонна	6339	6823	7096	7431
Қаракултери	дона	181836	182014	197635	193386

Манба: Қашқадарё вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Аҳолини мўл-кўл мева ва сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашда мамлакатимизда ирригациятизимларини модернизация қилишга қаратилган саъй-ҳаракатлар муҳим ўрин тутди. Бу борада вилоятимизда амалга оширилаётган ишларда Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти жамоаси фаолиштирок этиб келмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги “2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1958-сонли қарори, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 24 февралдаги 39-сонли “2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича Давлат дастурининг сўзсизбажарилишини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ижросини таъминлаш

мақсадида Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида 2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича Давлат дастурини амалга оширилишини мақсадли ўрганиш ҳамда ирригация-мелиорация тадбирларисамарадорлигини ошириш, сув ресурслари ва сув хўжалиги объектлари бўйлаб жойлашган еручасткаларидан оқилона фойдаланишда методик ёрдам кўрсатиш бўйича илмий-амалий Кенгаш ташкил этилди.

Давлат дастури бўйича юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, илмий-амалий Кенгаш таркиби шакллантирилиб, унинг низоми ва иш режаси ишлаб чиқилди ва белгиланган тартибда тасдиқланди. Шу билан бирга, сув хўжалиги ходимлари, сувистеъмолчилари уюшмаларининг мутахассислари, фермер хўжаликлари раҳбарлари малакасини ошириш курси тингловчилари таркиби шакллантирилди ҳамда ушбу курсни олиб боровчи малакали ўқитувчилар танлаб олинди. Ушбу режа асосида куйидаги ишлар амалга оширилди:

- 2014 йил дастурига киритилган Қашқадарё вилоятидаги 19 та лойиҳа (қуввати 645,9 км, қиймати 21456 млн сўм), 6 та йилдан-йилга ўтган, 6 та янгидан қурилиши бошланган ва 7 та тизимли таъмирлаш-тиклаш объектларига Кенгаш аъзолари масъул этиб бириктирилган бўлиб, улар томонидан графикасозида ушбу объектлар датармоқ жадвали бўйича тадбирларнинг бажарилиши вазифа тизим таъмири бўлиб қўрилди;
- 2013 йилда фойдаланишга топширилган 651,1 км музунликдаги мелиоратив объектлар ва улар атрофидаги ер участкаларидан фойдаланиш, ободонлаштириш, бўш ерларга сабзавот экинлари экиш бўйича таъсирлар берилди, бажарилиши назоратга олинди;
- 800 гектар майдонда томчилатиб суғориш, 900 гектар майдонда экинларни эгилувчан қувур билан суғориш, 1500 гектар майдонда экинларни эгатга плёнка тўшаб суғориш бўйича услубий ёрдам кўрсатилди;
- 3000 тасуволиш жойларида сувни бошқаришни ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлаш бўйича илмий-услубий таъсирлар берилди;
- Вилоятнинг 2015 йил учун суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш дастурининг лойиҳаларини танлашда ва шакллантиришда Кенгаш аъзолари ишчи гуруҳлар таркибида иштирок

этди. 22 та мелиоратив объектлар (қиймати 24 млрд 546,1 млн сўм), шундан 12 та лойиҳа таъмирлаш-тиклаш (қиймати 10 млрд 566,6 млн.сўм), 10 таси қурилиш ва қайта қуриш (қиймати 13 млрд 979,5 млн сўм) бўйича устувор лойиҳаларнинг дастлабки рўйхати шакллантирилди.

Лойиҳалар мелиоратив объектларнинг техник ҳолати, шунингдек пахта, ғалла ва бошқа экинлар ҳосилдорлиги таҳлил қилиниб,

фермерлар ва жамоатчилик билан суҳбат ўтказилиб Кенгашаъзоларитомонидан ҳар бир объект бўйича илмий асосланган таклиф ва ҳулосалар берилди;

➤ сувхўжалиги ходимлари, сув истеъмолчилари уюшмаларининг мутахассислари, фермерхўжаликлари раҳбарлари ва сувчиларнинг малакасини оширишда иштирок этиб келинмоқда;

➤ вилоятнинг ирригация ва мелиорация объектларида институтнинг “Гидротехника иншоотлари ва насос станциялари дан фойдаланиш” таълим йўналишининг 65 нафар, “Қишлоқхўжалиги машина сулоотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси” таълим йўналишининг 51 нафар, “Қишлоқхўжалиги нимеханизациялаштириш” таълим йўналишининг 20 нафар талабаларини малакавий амалиёт ўташларини таъминлаш билан таъминлаш қилинди.

Қишлоқхўжалиги даэришилган барча ютуқларнинг асосий омили — бусоҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг изчиллиги, уларнинг мустаҳкам меъёрий-ҳуқуқий базага асосланиши ва босқичма-босқич амалга оширилаётганлиги дадир.

Бундай мустаҳкам асосга эга бўлган соҳа келгусида ҳам барқарор ривожланишда давом этади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

1. Ислохотларнинг чуқурлашуви ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш даврида ҳудуд миқёсида бозорлар, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда озиқ-овқат бозорининг шаклланиши ва ривожланишининг илмий-услубий асосларини ишлаб чиқиш ва чуқур таҳлилларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Ҳудудий озиқ-овқат бозорини шакллантириш, ривожлантириш ва уни бошқаришдан асосий мақсад - аҳолининг эҳтиёжларини қондириш учун ҳудуднинг барқарор ривожланишини таъминлашдир.

2. Ҳудудий озиқ-овқат бозорининг ривожланишига бир қатор омиллар таъсир кўрсатади. Вилоятларда бозорларни шакллантиришда ҳудуд иқтисодиётининг таркиби, ихтисослашган тармоқлар мажмуининг тугалланганлиги, инвестиция жараёнларининг характери, ишлаб чиқариш ҳажми ва хизмат муддати, инфратузилма иншоотларининг ривожланганлиги, ижтимоий-демографик ва миграцион жараёнлар каби омиллар муҳим аҳамиятга эга.

3. Ҳудудий товарлар бозорининг конъюнктураси иқтисодий ҳолатнинг таснифи ҳамда у ёки бу товарларни ишлаб чиқариш, айирбошлаш, ва истеъмол қилишнинг тенденциялари ва истикболларини ифодалайди. Конъюнктурани ўрганиш ички ва ташқи бозорларда маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш; етакчи саноат ва савдо фирмаларининг фаолияти; ишлаб чиқариш ва товар алмашиш соҳасида ихтисослашув ва бирлашув; молиялаш ва кредитлаш; нарх белгилаш; минтақада ишлаб чиқариш ва истеъмол ривожланишининг истикболлари каби жараёнларнинг иқтисодий диагностикасини ўз ичига олади.

Конъюнктурани ўрганиш муайян даврда бозор ривожланишини тавсифловчи миқдорий кўрсаткичлар ва сифатли ахборотни қайта ишлаш, таҳлил қилишдан иборат.

4. Ҳудудий бозорларни узоқ муддатли ривожлантиришни илмий асослаш учун стратегик мақсадларни ишлаб чиқиш ва устувор йўналишлар ва воситаларини аниқлаш зарур.

Ишлаб чиқиладиган стратегик йўналишлар минтақанинг макроиқтисодий ҳолати; иқтисодий таркибининг ўзгариши; товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш динамикаси; фан-техника тараққиётининг тенденциялари; минтақалараро бозор алоқалари; аҳолининг турмуш даражаси ва ижтимоий соҳанинг ривожланиши каби кўрсаткичларни ўз ичига олган ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг истикбол кўрсаткичларига асосланиши керак.

5. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда Ғузор туманида озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш ўртача вилоят кўрсаткичларидан деярли 2 марта орқада ва бошқа туманлар ичида охириги ўринларни эгаллайди. Шу сабабли бу ерда озиқ-овқат товарларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Меҳнат бозорининг шаклланиши меҳнат ресурсларининг кўпайиши шароитида содир бўлмоқда. Туманда ишчи кучи таклифининг талабга нисбатан барқарор ўсиши кузатилмоқда. Келажакда аҳоли бандлигини самарали таъминлаш, ишчи ўринларини кенгайтириш энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолади. Ўз навбатида демографик вазият ҳудудий озиқ-овқат бозоридаги талабни янада оширади.

6. Аграр соҳада натижалар ва муаммолар, ислохотларни амалга оширишдаги айрим камчиликлар вилоятда озиқ-овқат бозорининг шаклланишида, ҳудудий озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга маълум даражада таъсир кўрсатмоқда. Туманда ер ва сув ресурсларининг маълум даражада чекланганлиги шароитида озиқ-овқат бозорини ривожлантиришда асосий эътибор интенсив усулларга қаратилмоғи лозим.

Озиқ-овқат бозорида таклифнинг шаклланишида қишлоқ хўжалигидаги сув ва ер ресурслари салоҳияти, агроиқлим шароити ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Суғориладиган ерлар майдонини келажакда кенгайтиришнинг маълум даражада чекланганлигини эътиборга олган ҳолда мавжуд ерлардан самарали фойдаланиш жуда муҳимдир.

Келажакда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш асосида мева-сабзавот маҳсулотлари экиш майдонларини кенгайтириш мақсадга мувофиқ. Истиқболда туманда ҳуқуқий шахс мақомига эга бўлган деҳқон хўжаликларининг сонини янада ошириш ва уларни қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоғи керак.

7. Гўшт ва сут маҳсулотларига ўсиб бораётган аҳоли эҳтиёжларини кўпроқ қондириш учун чорвачиликни ривожлантиришга туманда яхши имкониятлар мавжуд. Бунинг учун эса, гўшт ва сут маҳсулотлари бозоридаги муаммоларни ҳал қилиш учун қуйидаги чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш лозим: хўжаликларнинг чорвачиликка ихтисослашувини чуқурлаштириш; чорва моллари бош сонининг мунтазам ўсиб боришини таъминлаш; чорва молларининг маҳсулдорлигини ошириш; чорва наслчилигига тадбиркорлар ва ҳорижий инвестицияларни жалб қилиш учун шарт-шароитлар яратиш; фермер ва деҳқон хўжаликларининг кредит хизматларидан фойдалана олиш имкониятларини кенгайтириш

8. Истиқболда сабзавотчилик тармоғи «ишлаб чиқариш – ташиш – сақлаш – қайта ишлаш – савдо» технологик занжирининг мажмуасида барқарор ривожланиши зарур.

Сабзавотчиликнинг ривожланиши сезиларли даражада савдо-сотиқ тизимининг такомиллаштирилиши билан боғлиқ. Бозор шароитларига ва тармоқнинг хусусиятларига мос бўлган улгуржи бозорларни ташкил қилиш, бозор инфратузилмасини шакллантириш – сабзавот маҳсулотларининг товарлилигини ошириш ва сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилишга ёрдам беради.

9. Ҳудудий озиқ-овқат бозорининг мевачилик сегментидаги йиғилиб қолган муаммоларни ҳал қилиш учун қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилиш керак: мевалар етиштириш учун ажратилган экин майдонларини кенгайтириш; янги ҳосилдор ва касалликларга чидамли, минтақа табиий-иқлим шароитларига мос келувчи навларнинг яратилиши ва амалиётга қўлланишини таъминлаш; маркетинг тизимини ривожлантириш; меваларни қайта ишлаш корхоналарини ҳамда сақлаш омборларини техникавий жиҳатдан қайта жиҳозлаш; қурилган меваларнинг сифатини жаҳон андозалари даражасига янада яқинлаштириш ва рақобатбардошлигини ошириш орқали экспортбоп мевалар етиштиришни кўпайтириш.

10. Ҳудудий озиқ-овқат бозорининг шаклланишида институционал ўзгаришларни амалга ошириш ва ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг аҳамияти жуда муҳим. Хусусий секторни янада ривожлантириш, фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятини жадаллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашнинг устувор йўналишларидир.

Вилоятда, шунингдек, ҳудудий озиқ-овқат бозори субъектлари ассоциациясини ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Унинг мақсади аҳолини ўз вақтида озиқ-овқат товарлари билан таъминлаш, товарларни сақлаш ва сотишнинг илғор усуллари жорий қилиш, бозорларни чуқур ўрганиш, товарларни сертификатлаш, рекламани ташкил қилиш ва бошқалардан иборат бўлиши керак.

11. Озиқ-овқат бозори конъюнктураси, маркетингни ташкил этиш масалалари бўйича маслаҳат марказлари, ахборот хизматлари тармоғини шакллантириш керак. Ахборот ва истиқбол кўрсаткичлари билан таъминлаш фаолиятларини ўз ичига олувчи махсус озиқ-овқат бозори маркетинг марказини ташкил этиш лозим.

Туманда улгуржи озиқ-овқат бозорларининг самарали ишлашини таъминлаш қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини истеъмолчиларга етказиб бериш ва савдо алоқаларини ривожлантиришнинг ишончли йўли ҳамда бозор муносабатларини мустаҳкамлашнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Маъмурий ислохотларни чуқурлаштириш асосида вилоят, туман, шаҳар ҳокимликларининг ҳамда маҳаллий бошқарув органларининг аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашдаги масъулиятларини кенгайтириш керак.

12. Озиқ-овқат бозорини ривожлантиришда бозорнинг асосий товар гуруҳлари ҳисобланган гўшт, сут, мева ва сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ҳозирги

ҳолатини таҳлил қилиш асосида мавжуд камчиликлар, муаммолар, фойдаланилмаган имкониятларни аниқлашга эришилади. Бу эса ушбу маҳсулот турлари бўйича талаб ва таклиф баланси орқали амалга оширилади. Шу нуқтаи назардан ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича талаб ва таклиф балансининг истиқбол кўрсаткичларини ҳисоблаш, ушбу бозорнинг келажакда ривожланишининг асосий йўналишларини белгилашда муҳим аҳамиятга эгадир.

13. Ишлаб чиқаришни диверсификациялаш шароитида озиқ-овқат бозорини ривожлантириш уни бошқариш механизмини такомиллаштириш орқали узоқ муддатга мўлжалланган ҳудудий концепцияни ишлаб чиқишни тақозо этади. Концепция ҳудудда маҳаллий бошқарув органлари учун аниқ мақсадни кўзлаган озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг стратегия ва тактикасини белгилаб, мавжуд чекланган ресурслардан самарали фойдаланиш ва бошқа ҳудудлар билан иқтисодий интеграциясини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини аниқлашда асосий манба бўлиб хизмат қилади. Ушбу ҳудудий концепцияни ишлаб чиқиш тўртта босқичда амалга оширилмоғи лозим ва ўзида минтақавий озиқ-овқат бозорининг фаолияти ва унинг интеграциясини таъминловчи кенг қамровли инфратузилма мажмуасини ривожлантиришни тақозо этади. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ҳудудий озиқ-овқат бозорини шакллантириш ва ривожлантириш дастлабки босқичда давлат томонидан бошқариладиган иқтисодий механизмларнинг устуворлигида амалга оширилса-да, бозор механизмларига мос муносабатларнинг шаклланишига кенг имкониятлар яратиб беради ва пировард натижада тўлақонли ҳудудий озиқ-овқат бозорининг шаклланиши учун муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ҳуқукий ва меъёрий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т., «Ўзбекистон». 2012.– Б.40.
2. Инвестицион фаолият тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни 24 декабрь 1998 йил. – Т.: 1998.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни. 2000. 25 май.
4. Тадбиркорлик ва тадбиркорлик фаолияти кафолатлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни 14 апрель 1999 йил. – Т.: 1999.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси». 2007. – 25 декабрь. – Б. 263.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнат кодекси». –Т., «Адолат», –1999.– Б.136 .
7. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. –Т., 2009.– № 52. – Б.17-54.
8. «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 4 апрелдаги қонуни. // «Халқ сўзи» газетаси, 2002 йил 4 май, №95, б.1-2.
9. Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонуни; Халқ сўзи, 1997 йил август.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 январь 1995 йилдаги “Хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш ҳақида”ги Фармони. // Ўзбекистон овози. 8 январь 1995.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги ПФ-4053-сонли Фармони. 2008. –28 ноябр.
12. “Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган кишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни маблағ билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш тўғрисида”ги Вазирлар маҳкамасининг қарори. 2002-йил 7 ноябр 383-сон.
13. Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни суғурта йўли билан ҳимоя этиш “Мадад” Агентлигини ташкил этиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26 июль 1995 йилдаги ВИИ -1207 сонли Фармони.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1987-сон Фармонига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Фармони. 2003. 30 август.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони. 2003. 27 октябр.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-1207-сонли Фармони. 2003. 23 декабр.
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон иқтисодиётида хўжалик юритувчи субъектларнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. 2003. 24 январ.
18. Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президенти УП-3620-сон Фармони. 20 июнь 2005 йил. // Банк ахборотномаси. 2005 3 август - №31 (482).
19. Тадбиркорлик субъектларини ҳуқукий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президенти УП-3619-сон Фармони. 14 июнь 2005 йил.
20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги «Кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш

ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора – тадбирлари тўғрисида»ги 383-сонли Қарори //Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асослари. – Т., «Фан». 2003. – Б.16.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2007 йилда қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжалигиларга айлантириш чора – тадбирлари тўғрисида»ги Қарори. 2006. – 11 ноябрь.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти асари ва маърузалари

22. Каримов И.А. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т., «Ўзбекистон», 1995. – Б.273.

23. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т., «Ўзбекистон», 1998. – Б.211.

24. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломда. – Т., «Ўзбекистон», 1999. – Б. 125.

25. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий–иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2009 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2009. 14 февраль.

26. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т., Ўзбекистон, 2009. – Б.56.

27. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т., Ўзбекистон, 2011. – Б.47.

28. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичларга кўтарадиган йил бўлди. – Т., Халқ сўзи, 2012.

29. Каримов И.А. Бош мақсадимиз-кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш.// Халқ сўзи. – 19.01.2013.

30. Каримов И.А. Мамлакатимизни 2013-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган вазирлар маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.// Халқ сўзи. – 19.01.2014.

31. Каримов И.А. 2015-йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. // Халқ сўзи. – 18.01.2015.

32. Каримов И.А. Бош мақсадимиз-мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб борилаётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир.//Халқ сўзи. – 17.01.2016.

3. Монографиялар, китоблар, рисолалар ва илмий мақолалар

32. Абдукаримов Б.А. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик-Т.: Фан, 2005-288 бет.

33. Абдуғаниев А. “Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти” Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти Тошкент, 2004 й, 304 бет.

34. Айбенов Х., Рахмонов М., “Деҳқон ва фермер хўжаликларини молиялаштириш” Т.: 57 бет. Ўзбекистон Иқтисодий Ахборотномаси -2004 йил 9-10 сони.

35. Айбенов Х. Мамадалиев А. Айбенова А. “Қишлоқ хўжалик иқтисодий ислохотлар талаб даражасида бўлиши” – Ўзбекистон Иқтисодий Ахборотномаси -2004 йил 4-5-6 сони 18-бет.

36. Абдуллаев Ё. Иброҳимов А., Рахимов М. Иқтисодий таҳлил. 100 савол ва жавоб-Т.: Мехнат, 2001-320 бет.

37. Абдуллаев Ё.А. Бозор иқтисодиёти асослари: 100 савол ва жавоб, Мехнат, 1997.

38. Баратов М. Мулк – моддий манба. // Иқтисод ва ҳисобот № 10, 35-бет.

39. Вахабов А., Иброҳимов А., Ҳақимов Б. Иқтисодий таҳлил назарияси. – Т.: ТМИ, 2003й, -176 бет.
40. Вахабов А.В ва бошқ. Хорижий инвестициялар. – Т.: Молия, 2010 й, 328 б.
41. Волкова Н.А. и др. Экономика сельского хозяйства и перерабатывающих предприятий, М.: “Колос”, 2005 г, 240 с.
42. Ибрагимов Р. Худудий тадбиркорлик истикболлари. // Иқтисод ва ҳисобот, № 3, 57 бет.
43. Ишмуҳаммедов А., Асқарова М. “Ўзбекистон Миллий Иқтисодиёти”, Ўқув қўлланма. Тошкент-2004 й, 154 б.
44. Салимов Б., Ҳамдамов Қ., Турсунхўжаев Т., “Жаҳон қишлоқ хўжалиги”, Ўқув қўлланма. Т.: -2004 й, 206 бет.,
45. Ҳақимов Р., Отақулов М., Юсупов Э., Юсупов М. “АСМ иқтисодиёти” Т.:, 2004 й, 45-51 бет., ўқув қўлланма.
46. Ҳамдамов Қ. “Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини бошқариш”, Ўқув қўлланма. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти. Т.: -2004 й, - 206 бет.,
47. Эргашев Р.Х. “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти”, Дарслик. Т.: “EKSTREMUM PRESS”, 2011 й, -416 б.
48. Исмаилова С.С. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини модернизациялашда лизинг кредитларининг аҳамияти.// Иқтисод ва молия журнали. 2013 йил, 11-сон.
49. Махамбетова У.Р. Деҳқон хўжаликларида ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқлаш кўрсаткичлари. // Иқтисод ва молия журнали. 2013 йил, 12-сон.
50. Ғузор тумани “Шердор АС” фермер хўжалигининг статистик маълумотлари.

4. Интернет сайтлари

51. www.tsue.uz.- Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети
52. www.timacad.ru.- К.А.Тимирязев номидаги Москва давлат қишлоқ хўжалиги академияси, иқтисодиёт факультети
53. <http://www.statistics.uz>.- Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги маълумотлари
54. www.cer.uz.- Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза
55. www.gov.uz.- Ҳукумат сайти
56. www.pravo.uz.- Законодательная база Республики Узбекистан
57. www.uzreport.com.- Новости Узбекистана